

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

Маҳмуд НАЖИМОВ

ДАВЛАТНИНГ ЭКОЛОГИК ФУНКЦИЯСИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент-2006

Нажимов М. Давлатнинг экологик функцияси: Ўқув қўлланма – Т.:ТДЮИ, 2006. - 111б.

Тошкент Давлат юридик институти Ўқув-услубий кенгашининг қарорига кўра нашрга тавсия этилди.
(2006 йил 25 феврал, 3-сонли баённома)

Масъул муҳаррир:

М.Б.Усмонов
юридик фанлари доктори,
профессор

Такризчилар:

З.М.Исломов
юридик фанлари доктори,
профессор

М.А.Ахмедшаева
юридик фанлари номзоди,
доцент

Мазкур ўқув қўлланма "Давлат ва ҳуқуқ назарияси" фани ўқув курсининг энг муҳим мавзуларидан бири бўлган "Давлат функциялари" мавзусининг давлатнинг экологик функцияси масаласига бағишланган бўлиб, унда давлат функцияси тушунчаси, мазмуни ва уни таснифлаш, давлатнинг экологик функцияси тушунчаси, давлатнинг экологик функциясини амалга ошириш шакллари; қонун чиқарувчи олий ҳокимият органининг экологик функцияси; ижро ҳокимияти органларининг экологик функциялари; суд ҳокимияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларининг экологик функциялари каби масалалар ёритилган. Ўқув қўлланмасини тайёрлашда мамлакатимизда ва хорижда эълон қилинган юридик адабиётлардан фойдаланилган.

Ушбу ўқув қўлланмаси олий юридик ўқув юртлари ўқитувчилари ва аспирантлари, магистратура тингловчилари ва талабаларга мўлжалланган.

© М.Нажимов, 2006

© Тошкент Давлат юридик институти, 2006

КИРИШ

Фан-техника тараққиёти жадал суръатлар билан ривожланиб, дунёнинг жуғрофий-сиёсий тузилиши ўзгариб бораётган ҳозирги «шароитда инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсирни тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қулай табиий муҳитни сақлаб қолишнинг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб бўлиб қолмоқда»¹.

Табиий ресурслар Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг моддий асоси ҳисобланади. Улардан оқилона ва самарали фойдаланиш нафақат иқтисодий муаммоларни, балки, шу билан бирга, халқимиз сиҳат-саломатлигини таъминлаш, келгуси авлодни руҳан ва жисмонан соғлом ҳамда комил инсон қилиб тарбиялаш муаммоларини ҳам ҳал этишга ёрдам беради.

Экологик муаммоларни бартараф этиш миллий хавфсизликни таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳамдир. Шу боис табиатни муҳофаза қилиш ва бой табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш давлатнинг асосий функцияларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий ва ташкилий механизмларини яратиш, миллий экологик хавфсизлик муаммоларини ҳал этиш имконига эга бўлди.

Кўп йиллар мобайнида инсон табиатни ўзига тўлиқ бўйсундиришга уринди, табиий ресурсларни битмас-туганмас ҳисоблаб, уларга фақат истеъмол объекти сифатида қаради. Натижада Ер қуррасида, шу жумладан Марказий Осиё минтақасида ҳам экологик жихатдан хавфли вазият юзага келди, атмосферада заҳарли газлар миқдори ҳаддан ташқари ошиб кетди, биологик ранг-баранглик, мувозанат бузилди. Шунинг учун «экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан

¹ Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т., 1998. – Б. 109.

биридир, уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир»².

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни тартибга солувчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида», «Ер ости бойликлари тўғрисида», «Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисида», «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида», «Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида», «Ўрмон тўғрисида», «Экологик экспертиза тўғрисида», «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонунлар ана шулар жумласидандир. Бундан ташқари, Меҳнат кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Жиноят кодекси, Фуқаролик кодекси, Ер кодекси ҳам у ёки бу даражада табиатни муҳофаза қилиш муносабатларини тартибга солишга, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмларини яратишга қаратилган.

Ҳозирги кунда экология муаммоси ҳудудлараро ва давлатлараро хусусиятга эгадир. Чунки экологик ҳодисалар давлат чегараларини тан олмайди, «экологик чегаралар»ни белгилаб қўйиш ёхуд уларни «ёпиб қўйиш»нинг эса иложи йўқ. Шу сабабдан ҳам «инсон–табиат» тизимининг ҳуқуқий муҳофазаси давлатлар ҳудудидан кенг ва ўз кўлами бўйича халқаро аҳамият касб этади.

Атроф табиий муҳитдаги экологик мувозанатни сақлаш, тиклаш ёки табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашда давлатнинг ёрдамсиз бирон-бир натижага эришиб бўлмайди. Маълумки, ҳуқуқнинг умумий назарияси ўзининг махсус ва соҳавий юридик фанларга бўлган муносабатида умумлаштирувчи, раҳбарий, йўналтирувчи, методологик

² Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т., 1998. – Б. 31.

аҳамиятга молик фан бўлиб, у мазкур фанларнинг назарий асосларига оид муаммоларни ўрганadi. Шу жиҳатдан, ҳозирги кунда давлат ҳал қилиши зарур бўлган муаммолардан бири экологик муаммодир. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш борасида давлатнинг функцияси, бу функциянинг мазмуни, уни амалга ошириш шакллари, унинг ижтимоий роли ва вазифаси тўғрисидаги асосий тушунчаларсиз бундай муҳим ва долзарб вазифани ҳал этиб бўлмайди. Бинобарин, давлатнинг экологик функциясини тадқиқ этиш ҳамда шу асосда тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш илмий-назарий ва ижтимоий-амалий аҳамиятга эгадир.

Бу борада амалга оширилган изланишларни қуйидаги бешта йўналишда қараш мумкин.

Биринчисини давлатнинг экологик функциясини белгиловчи назарий ва ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар ташкил этади. Улар қаторига, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг асарларини киритиш мумкин. Уларда давлат экологик функциясининг энг муҳим хусусиятларини белгилаб олишга, Ўзбекистоннинг экология соҳасида бошқа давлатлар билан ҳамкорлигини йўлга қўйишга, мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлашга, аҳолини экологик тарбиялашга оид концептуал ғоя ва фикрлар мавжуд³.

Шунингдек, давлатнинг экологик функциялари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб берилган.

Иккинчи йўналишга экологияни бошқариш, атроф табиий муҳитни асрашнинг қонуний-ҳуқуқий муаммоларини ўрганишга қаратилган махсус монографик тадқиқотларни киритиш мумкин. Бу ўринда, энг аввало, Д. Л. Байдельдинов, М. М. Бринчук, В. С. Броневец, Б. В. Ерофеев,

³ Қаранг: *Каримов И. А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т., 1998; *Унинг ўзи.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т., 2002; *Унинг ўзи.* *Каримов И. А.* Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Т., 2003.

А. В. Николаев, И. Ф. Панкратов, В. В. Петров, Н. Ф. Реймерс каби олимларнинг асарларини кўрсатиш мумкин⁴.

Учинчи йўналишга давлатнинг атроф табиий муҳитни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни бошқариш фаолияти, экологик экспертизанинг ҳукуқий муаммолари ҳамда экологик назоратнинг илмий-назарий масалаларига бағишланган илмий изланишлар киради. Шу ўринда У. Т. Аюбов, У. Б. Бозоров, Ф. Х. Гаибов, А. К. Голиченков, С. В. Горельцев, Н. Н. Гришен, Л. Д. Долгополова, И. Д. Жалилов, З. М. Исломов, И. А. Карпович, О. И. Козырь, А. Х. Саидов, Е. А. Сурилёва, У. Таджиханов, Ж. Т. Холмўминов каби олимларнинг илмий асарларини кўрсатиш мумкин⁵.

Тўртинчи йўналишга Марказий Осиё ва Ўзбекистон олимларининг тадқиқотлари тааллуқлидир. Улар атроф табиий муҳитни асраш, аҳолининг экологик-ҳукуқий таълим-тарбияси, экологиянинг фалсафий муаммолари каби масалаларни ўрганишга бағишланган. Шунингдек, уларда Марказий Осиё минтақасида экологияни бошқаришда давлатларнинг ўрни, интеграция алоқалари таҳлил қилинади. Бу борада, энг аввало, Г. А. Азаров, М. И. Байтин, Ю. О. Жўраев, Б. Зиёмуҳаммедов, Ф. Намозов, А. Ниғматов, К. Раҳмонов, И. М. Умароҳунов, М. Б. Усмонов, Ш. Х. Файзиев, С. Тўйчиев, А. Ҳабибуллаев, Э. Ҳошимова каби олимларнинг изланишлари диққатга

⁴ Байделдинов Д. Л. Правовой механизм государственного управления в области экологии. – Алматы, 1998; Бринчук М. М. О понятийном аппарате экологического права // Гос. и право. – 1998. – № 9. – С. 20–28; Николаев А. В. Основы экологического права и проблемы экологии. – СПб., 2001; Панкратов И. Ф. Понятия экологического законодательства // Проблемы совершенствования экологического законодательства, эффективность его реализации. – М., 1993; Реймерс Н. Ф. Надежды на выживание человечества. – М., 1992.

⁵ Аюбов У. Т. Лишение, ограничение и приостановление прав, связанных с природопользованием // Экологический вестник Узбекистана. – 1996. – № 3. – С. 26–28; Гаибов Ф. Х. Теоретические проблемы организации правовой охраны природных ресурсов в современных условиях. – Уфа, 2002; Голиченков А. К. Экологический контроль: теория, практика правового регулирования. – М., 1992. – С. 73; Горельцев С. В. Государственное управление в сфере экологии // Экологическое право. – М., 1997. – С. 180–186; Гришен Н. Н. Правовые проблемы воздействия общественности на охрану окружающей среды. – М., 2002; Исламов З. М. Общество. Государство. Право (Вопросы теории). – Т., 2001; Холмўминов Ж. Т. Экология ва қонун. – Т., 2000.

сазвордир⁶. Тадқиқотимизга бевосита алоқадор бўлган ушбу изланишларда ишлаб чиқилган илмий-назарий ғоялар, фикрлар, тадқиқот усуллари, асосланган концептуал қарашлар бизга диссертациянинг мақсад ва вазифаларини, тадқиқот объекти ва предметини аниқлаб олишга, чиқарилган хулосаларнинг қанчалик тўғрилигини аниқлашга ёрдам беради.

Бешинчи йўналишга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар тааллуқлидир. Ушбу масалалар В. Д. Ермаков, Т. Мирзаев, Ж. Т. Холмўминов каби олимларнинг асарларида ўз аксини топган⁷.

Ш. З. Уразаев, А. Г. Безбородов, А. Маматқулов, Х. Т. Одилқориев, М. М. Файзиев каби тадқиқотчилар эса қонунчиликни такомиллаштириш ва экологик масалаларнинг халқаро ҳуқуқий томонларини ўрганганлар⁸. Ушбу муаллифларнинг асарларида асосий эътибор давлат функцияларининг умумназарий муаммоларини, кишлок хўжалиги, ўрмон, ер, сув, атмосфера билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш ва атроф муҳитни асрашга қарши ҳуқуқбузарликларга нисбатан юридик жавобгарликни ошириш

⁶ *Жураев Ю. А.* Право и управление в области использования и охраны природной среды Республики Узбекистана: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 1996; *Зиёмухамедов Б.* Экология: тарих, назария ва ҳозирги замон. – Т., 1997; *Нигматов А. Н.* Экологик концепциялар // Ўзбекистон экологик хабарномаси. – 2000. – № 4–5. – Б. 10–12; *Раҳманов К.* Табиат муҳофазасининг ҳуқуқий асослари // Ҳаёт ва қонун. – 2000. – № 10. – Б. 61–65; *Умароҳунов И.М.* Республика Узбекистан и международное договорное право. – Т., 1998; *Усманов М. Б.* Ер ва қонун. – Т., 1994; *Унинг ўзи.* Экология қонунчилиги муаммолари // Ҳаёт ва қонун. – 2002. – № 2. – Б. 53–54; *Файзиев Ш. Х.* Ўзбекистон Республикаси парламентининг экологик функциясини такомиллаштириш масалалари // Ўзбекистон парламенти: бугуни ва истикболи: Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари (2002 йил 3 март). – Т., 2002 – Б. 60; *Хабибуллаев А.* Европа–Азия: все силы на охрану экосферы // Ўзбекистон экологик хабарномаси. – 1998. – № 4. – Б. 25; *Унинг ўзи.* Атроф табиий муҳит муҳофазасининг асосий йўналишлари // Ўзбекистон экологик хабарномаси. – 1998. – № 5–6. – Б. 2–4; *Ҳошимова Э.* Инсон ва табиат муаммоси // Ўзбекистон экологик хабарномаси. – 2000. – № 6. – Б. 5–6.

⁷ *Мирзаев Т.* Экологияга доир қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг турлари, усуллари ва назоратни ташкил этиш. – Т., 2000; *Холмўминов Ж. Т.* Экология ва қонун. – Т., 2000.

⁸ *Уразаев Ш. З.* Модель закона: какой ей быть. – Т., 1990; *Адилқориев Х. Т., Очиллов Б. Э.* Международная охраны окружающей среды. – Т., 2002; *Безбородов А. Г.* Совершенствование экологического законодательства. – Т., 1999; *Маматқулов А.* Халқаро ҳуқуқ. – Т., 1998.

масалаларини ўрганишга, атроф табиий муҳитни асрашда давлат органларининг ўрни ва вазифаларини аниқлашга қаратилган. Аммо кейинги йилларда дунёда, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам экологик хавф кўламининг ошганлиги давлатнинг экологик функцияларида ҳам маълум бир ўзгаришлар бўлишини тақозо этади.

Мазкур ўқув қўлланмасида ҳам давлатнинг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги экологик функциялари давлат ва ҳуқуқ назарияси нуқтаи назаридан ёритилган.

Албатта битта ўқув қўлланмаси доирасида давлатнинг экологик функциясини характерловчи барча жиҳатларни қамраб олиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам унда баъзи камчиликлар ва нуқсонлар учраши, айрим масалалар тўла ёритилмаган бўлиши мумкин. Китобхонлар ушбу ўқув қўлланмасининг сифатини янада яхшилаш борасида ўз мулоҳазаларини билдириб, унинг кейинги нашрлари янада мукамал бўлиб чиқишига ёрдам берадилар деган умиддамиз.

1. Давлатнинг экологик функцияси унинг мазмуни ва устувор йўналишлари

Шуни эътироф этиши керакки, давлатнинг функциялари ва уларни таснифлаш масаласида олимлар ҳалигача умумий бир тўхтамга келмаганлар. Масалан, А. Саидов ва У. Таджихановнинг фикрича, «давлатнинг функциялари унинг моҳияти ва жамиятдаги вазифаларини ифода этувчи фаолиятнинг асосий йўналишларидир»⁹. З. М. Исломов функцияларга давлатнинг умумижтимоий моҳияти ва ижтимоий бурчидан келиб чиқадиган муайян мақсадларга эришиш йўлидаги вазифаларни амалга ошириш бўйича давлат фаолиятининг бош (асосий) йўналишлари (томонлари, кўринишлари) сифатида таъриф берган¹⁰.

В. М. Корельский ва В. Д. Переваловнинг фикрича, давлат функциялари деганда, «давлатнинг асосий ҳаракат йўналишларини, мазкур йўналишлар унинг моҳияти ва ижтимоий зарурлигини, давлат томонидан жамиятни бошқаришда унга тааллуқли воситалар ва усулларга асосланган мақсад ва давлат вазифаларини»¹¹ тушуниш керак.

Н. И. Матузов ва А. В. Мальколарнинг фикрича, «давлат функциялари деганда, давлатнинг ташқи ва ички фаолиятига хос бўлган асосий йўналишларни тушуниш керак; мазкур йўналишларда давлатнинг синфий ва умуминсоний моҳияти асосланганлиги акс этади ва конкретлашади»¹².

Бизнингча, давлатнинг функцияси деганда, унинг фаолият йўналишини тушуниш керак, лекин ҳеч қачон функцияни бу фаолиятнинг ўзи деб қабул қилиш мумкин эмас. Шу боис ушбу масалада З. М. Исломовнинг қуйидаги фикрларига қўшилиш мумкин: «Функцияларни адо этиш бўйича фаолият конкрет тарихий шарт-шароитлар билан белгиланади ва уни амалга ошириш

⁹ Қаранг: Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. – Т., 1999. – Б. 25.

¹⁰ Қаранг: Исломов З. М. Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалари (Давлат назарияси). – Т., 2000. – Б. 208.

¹¹ Қаранг: Теория государства и права / Под. ред. Н. И. Матузова, А. В. Малько. – М., 1997. – С. 143.

¹² Теория государства и права / Под. ред. Н. И. Матузова, А. В. Малько. – М., 1997. – С. 61.

чоғида бу функцияларнинг жамият тараққиёти учун аҳамияти (салмоғи, ҳар бир функциянинг бошқа функциялар тизимидаги аҳамияти) намоён бўлади»¹³.

Кўриниб турибдики, давлат функцияси масаласи бўйича ёндашувлар турлича, аммо уларни таҳлил этиб, қуйидаги хулосага келиш мумкин: *давлатнинг функциялари ривожланишининг маълум бир поғонасида бўлган давлатнинг умумижтимоий моҳияти, аҳамияти ҳамда халқ ва жамият олдидagi ижтимоий бурчидан келиб чиқадиган Унинг муайян мақсад ва вазифаларга эришишига қаратилган фаолиятининг асосий йўналишларидир.*

Бугунги кунда давлат функцияларининг турларини таснифлашга қарашлар ҳам турлича. Жумладан, А. Саидов ва У. Таджихановнинг фикрича, давлатнинг функцияларини икки асосий гуруҳга: ички ва ташқи функцияларга бўлиш мумкин¹⁴. Ички функцияларга «қонунийлик асосида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, уларнинг тенг ҳуқуқлилигини, жамият манфаатларини таъминлаш; мулкчиликнинг турли шакллариини тенг ҳимоялаш; монополизмни истисно қилувчи бозор иқтисодиётининг ривожланишини таъминлаш; фуқароларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш ва муҳофаза қилиш; фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб маънавий қадриятларни муҳофаза қилиш»¹⁵ кабилар киради.

Ташқи функцияларга ушбу олимлар тинчлик ва биргаликда тинч яшаш учун кураш, мамлакатни ташқаридан бўладиган ҳужумдан мудофаа қилиш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари билан иқтисодий, маданий ҳамкорлик ва сиёсий ҳамдўстлик, дунё мамлакатлари билан атроф табиий муҳитни, инсонларнинг тинчлигини муҳофаза қилиш бўйича ҳамкорликнинг турли шакллариини киритадилар.

¹³ *Исломов З. М.* Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар (Давлат назарияси). – Т., 2000. – Б. 208.

¹⁴ Қаранг: *Саидов А., Таджиханов У.* Давлат ва ҳуқуқ асослари. – Т., 1999. – Б. 25.

¹⁵ *Саидов А., Таджиханов У.* Давлат ва ҳуқуқ асослари. – Т., 1999. – Б. 25.

Давлат функцияларини таснифлашга З. М. Исломов бошқача ёндашган. Унинг фикрига кўра, функцияларни тўрт асосий гуруҳга бўлиб ўрганиш лозим: а) фаолият соҳалари бўйича; б) амал қилишининг давомийлиги бўйича; в) ижтимоий аҳамияти бўйича; г) амалга оширишнинг ҳуқуқий шакллари бўйича¹⁶. Ўз навбатида, биринчи гуруҳга кирадиган функциялар ички ва ташқи функцияларга бўлинади. Ички функциялар давлатнинг мамлакат ичкарисидаги вазифаларини амалга ошириши билан боғлиқ. Ташқи функциялар халқаро миқёсдаги фаолият бўлиб, бунда давлат халқаро ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти сифатида майдонга чиқади.

Бир қарашда ҳамма нарса равшандек. Бироқ, аслида, ундай эмас. Нималарни ички функцияларга ва нималарни ташқи функцияларга киритиш хусусида ҳуқуқшунос олимлар ўртасида умумий бир фикр йўқ.

Бироқ деярли барча муаллифларнинг фикрича, ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим соҳалари – иқтисодиёт, ижтимоий тартибот, жамиятнинг маънавий ҳаёти ҳамда таркиб топган жамоат тартиби давлат функцияларининг таъсир доирасига киради. Демак, давлатнинг иқтисодий, мафкуравий, сиёсий ва ижтимоий соҳалар бўйича функциялари бўлишини таъкидлаш мумкин.

Фикримизча, давлатнинг функциясини таҳлил этишда «мақсад», «вазифа» ва «функция» тушунчаларининг ўзаро муносабатларига эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун давлат мақсадининг шаклланишида унинг ижтимоий бурчи намоён бўлиши, бу мақсадга эришиш учун аниқ вазифаларни бажариш зарурлиги ҳамда бу ҳолат тегишли функцияларни амалга оширишни тақозо этишини ёдда тутишимиз керак. Айни пайтда «функция» ва «вазифа» бир-биридан ажралмас тушунчалар эканлигини таъкидлаш жоиз. Вазифалар ва функцияларнинг таърифлари ҳам бир-бирига ўхшаб кетади. Бунинг боиси шундаки, давлат ва жамият олдида муайян вазифалар кўндаланг турган бўлса, уларга тааллуқли функцияларни ҳам

¹⁶ Қаранг: *Исломов З. М.* Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар (Давлат назарияси). – Т., 2000. – Б. 208.

амалга ошириш зарурати вужудга келади. Акс ҳолда давлатнинг вазифалари бажарилмай қолиб кетиши мумкин.

Шундай қилиб, вазифа икки хил заруратни, яъни бирон-бир мақсадга эришиш ҳамда муайян фаолият тури билан шуғулланишни ўз ичига олади.

Бинобарин, давлат функциялари унинг вазифаларига боғлиқ бўлади. Зеро, вазифалар функциялар мавжудлигининг зарурий шарти бўлиб, уларнинг мазмунини белгилайди, уларни амалга ошириш шакл ва усулларига таъсир кўрсатади.

Тараққиётнинг муайян босқичида турган ҳар қандай давлат учун умумий бўлган функция (масалан, иқтисодий функция) бўлади, лекин уларнинг мазмуни ва амалга ошириш усуллари ўзаро фарқ қилади. Ҳар бир босқичга қатъий белгиланган функциялар мос келади, деб ўйлаш хато бўлади. Албатта, давлат олдида вақти-вақти билан янги функциялар ҳам пайдо бўлади, лекин бунда эскилари изсиз йўқолиб кетмайди; уларнинг кўринишлари ўзгариши, янги мазмун билан бойиши мумкин, холос. Буни ҳар қандай давлат эволюциясида кузатиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг асосий функцияларини кўриб чиқиш чоғида бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз¹⁷.

М. И. Байтин ва И. Н. Сенякиннинг фикрича, «давлат функциялари, ижтимоий ҳаётнинг қайси жабҳасига қаратилгани, қайси вазифаларни бажаришда амал қилишига кўра, ички (иқтисод, экология, фан, маданият, таълим тизимини ривожлантириш ва бошқалар билан боғлиқ) ҳамда ташқи (давлатни ҳимоялаш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш) функцияларга бўлинади¹⁸.

Н. И. Матузов ва А. В. Малько эса асосий функциялар деганда, маълум бир тарихий шароитда давлат олдида турган асосий мақсад ва вазифаларни ҳал қилиш жараёнида юз берадиган йўналишлари тушунадилар. Асосий

¹⁷ Қаранг: *Исломов З. М.* Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар (Давлат назарияси). – Т., 2000. – Б. 208–209.

¹⁸ Қаранг: *Теория государства и права.* – М., 1997. – С. 150–151.

бўлмаган функцияларга эса улар бошқа, иккиламчи вазифаларни ҳал қиладиган ва асосий функцияларга қўшимча бўлган вазифаларни киритадилар¹⁹.

М. И. Байтин ва И. Н. Сенякиннинг фикрича, давлатнинг асосий ички функциялари таркибига иқтисод, фан, маданият, таълим тизимини ривожлантириш, экологик, солиқ солиш ва уни тўплаш, мавжуд мулк шакллари ҳимоялаш, ҳуқуқ-тартибот ўрнатиш функциялари киради.

Фикримизча, давлатнинг ички функцияси масаласига кейинги пайтда чоп этилган айрим адабиётларда ҳам эътибор берилди. Жумладан, айрим олимларнинг ёзишларича, Ўзбекистон давлати қуйидаги ички функцияларни амалга оширади: иқтисодий функция ёки иқтисодиётда давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги, ижтимоий соҳада олиб борадиган ишлари, таълим, фан, техника, маданият ва аҳолини ғоявий (мафкуравий) тарбиялаш соҳасидаги, ҳуқуқ-тартиботни қўриқлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкчиликнинг барча шакллари оғишмай ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликка ва жиноятчиликка қарши курашиш, табиат бойликлари ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳ.к.²⁰

Мазкур олимларнинг фикрича, «экологик функцияни бажариш учун, бир томондан, табиий бойликларни қўриқлаш, тежаб-тергаб сарфлаш зарур бўлса; иккинчи томондан, кимё ва техниканинг салбий таъсири билан сув, ҳаво, тупроқ ва атмосферанинг ифлосланишига қарши кураш эҳтиёжи мавжуд. Давлат бундай функцияни бажариш билан иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга хизмат қилган бўлади»²¹.

Назаримизда юқоридаги иқтибосларда давлат экологик функциясининг моҳияти ва мазмуни етарлича ёритилмаган. Фикримизча, давлатнинг ички – экологик функциясига табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни

¹⁹ Қаранг: Матузов Н. И., Малько А. В. Теория государства и права. – М., 1997. – С. 61.

²⁰ Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масъул муҳаррирлар Ҳ. Б. Бобоев, Ҳ. Т. Одилқориев. – Т., 2000. – Б. 187–189.

²¹ Ўша жойда. – Б. 189.

муҳофаза қилиш билан бирга, экологик муҳитни тиклаш, экологик хавфсизлик тадбирларини амалга ошириш ҳам киритилиши керак.

Юқорида келтирилган мулоҳазалардан келиб чиқиб, давлатнинг функцияларини иккита катта гуруҳга, яъни асосий ва иккиламчи функцияларга бўлиш мумкин.

Асосий ички функцияларга қуйидагилар киради: фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонун асосида муҳофаза қилиш; уларнинг тенг ҳуқуқлигини ва жамият манфаатларини таъминлаш; мулкчиликнинг турли шакллариини тенг ҳимоялаш; ижтимоий-маданий соҳа ва таълим тизимини ривожлантириш; табиат ва атроф муҳитни ҳимоялаш (экологик функция); солиқ тўплаш; ҳуқуқ-тартибот ўрнатиш; фан ва техника тараққиётини қўллаб-қувватлаш ва бошқалар. Асосий ташқи функцияларга экспорт салоҳиятини ўстириш; республика ҳудудини ташқи тажовузлардан ҳимоялаш; халқаро терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган махсус тизим яратиш; қўшни давлатлардаги муаммоларни умум эътироф этган халқаро ҳуқуқ воситалари орқали ҳал этишга кўмаклашиш; умумжаҳон глобал муаммоларини ҳал этишда иштирок этиш; дунё мамлакатлари билан ҳамкорликда атроф табиий муҳитни, инсоният тинчлигини муҳофаза қилиш бўйича ҳамкорликнинг турли шакллариини ишлаб чиқиш кабилар киради.

Иккиламчи ички функцияларга иқтисодий барқарорликни таъминлаш; бозор инфратузилмасини ривожлантириш; аҳолининг ҳуқуқий онгини мунтазам равишда ўстириб бориш; аҳолининг кам таъминланган қатламлари турмуш даражасини кўтариш учун шарт-шароитлар яратиш; фан ва техника тараққиёти учун имконият яратиш; қонунчилик тизимини доимий равишда ривожлантириш; давлат кадрлар тайёрлаш тизимини қўллаб-қувватлаш кабиларни кўрсатиш мумкин.

Иккиламчи ташқи функциялар туркумига эса жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлик, сиёсий ҳамдўстлик, маданий ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш киради.

Таъкидлаш керакки, собиқ шўро тузуми даврида ҳуқуқшунос олимлар давлатнинг асосий функциялари таркибига экологик функцияни киритмас эдилар, негаки ўша пайтда «Инсон – табиат подшоси», «Инсон табиатдан хоҳлаган бойликларни олиши мумкин», «Табиат – битмас-туганмас бойлик» каби шиорлар аҳолининг турли қатламларига сингдирилар, натижада табиатга хўжасизларча муносабатда бўлинарди.

Табиатни ва атроф муҳитни ҳимоялаш функцияси охириги ўн йилликда давлатнинг асосий функциялари қаторига қўшилди. Негаки, экологик хавф туғдирувчи ишлаб чиқариш инсонга ҳам тажовуз этувчи омил бўлиб қолди.

З. М. Исломов давлатнинг экологик функцияси ҳақида тўхталиб, куйидагиларни ёзади: «Яқин ўтмишда аҳоли эҳтиёжларининг ўсиб бориши билан жамият табиий бойликлардан тобора кўпроқ фойдалана бориши керак деган фикр ҳамма ерда ҳукмронлик қилгани кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Бунда атроф табиий муҳитнинг бузилиши, экология маконининг ўзгариб кетиши, одамлар истиқомат қиладиган жойлар ҳаёт учун хавфли фалокат минтақаларига айланиб кетиши ҳеч кимни ташвишга солмасди. Шу тариқа минг йилликлар мобайнида табиат, инсон ва ишлаб чиқариш ўртасида таркиб топган мувозанат барҳам топтирилганди²².

Шундай қилиб, Н. И. Матузов, А. В. Малько М. И. Байтин ва И. Н. Сенякиннинг давлатнинг экологик (ёки табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш) функцияси деганда, «табиатни ва атроф муҳитни ҳимоялаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, атроф табиий муҳитнинг сифатини яхшилаш ва соғломлаштиришга қаратилган давлат бошқарувини ўрнатиш ва

²² Қаранг: *Исломов З. М.* Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар (Давлат назарияси). – Т., 2000. – Б. 224–226.

мувофиқлаштириш вазифасини тушуниш лозим»²³ эканлигига оид фикрларининг тўғрилигини таъкидлаш лозим.

Уларнинг фикрича, бугунги кунда экологик функциянинг давлатнинг асосий функциялари таркибига киритилишига сабаб фан ва техника тараққиётининг кескин ривожланганлиги ва унинг инсонга бўлган таъсиридир²⁴. Фан ва техника тараққиёти инсонга таърифлаб бўлмас бойликларни муҳайё этиши билан бир қаторда, мураккаб ва ечилиши қийин бўлган муаммоларни ҳам кўндаланг қилиб қўймоқда. Шу туфайли кўп ҳолларда табиатга қоплаб бўлмас зарар етказилмоқда.

Ғарб олимларининг таъкидлашларича, фан ва техника тараққиётининг бир қатор ютуқларига эришиш жараёнида табиат экотизимларининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатилмоқда: ҳаво ва сув ҳавзалари булғанмоқда, радиация миқдори ошмоқда, ўсимлик ва ҳайвонот оламига, инсон ҳаёти ва соғлиғига катта зарар етказилмоқда. Бу шароитда табиат ҳамда атроф муҳитни асраш ва химоялаш нафақат муайян давлат учун, балки барча давлатлар учун ҳам асосий вазифа бўлиб қолмоқда. Бозор муносабатларига ўтишнинг турли шакллари танлаган ёш суверен давлатлар табиий ресурсларга суянган иқтисодий ривожланиш йўлидан боришга мажбур бўлмоқдалар²⁵. Умуман, бозор муносабатларининг шаклланиши, аниқроғи, бошланғич капитал тўплаш иқтисодни нафақат сиёсатдан, балки атроф муҳитнинг экологик хавфсизлигидан ҳам юқори қўяди. ғайриқонуний бойиш кишиларнинг экологик ҳуқуқий онги, тарбияси ва билимига салбий таъсир кўрсатади.

Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда иқтисодий тикланишни экологик барқарорлик билан мутаносиб ҳолда олиб

²³ Теория государства и права / Под. ред. Н. И. Матузова, А. В. Малько. – М., 1997. – С. 68.

²⁴ Ўша жойда – Б. 68.

²⁵ Қаранг: *Ливинская В.* Правовые, экономические, социальные и культурные основы экологической безопасности // *Хўжалик ва ҳуқуқ.* – 2000. – № 3. – Б. 72–78.

бориш давлатнинг экология соҳасидаги бошқарув ваколатининг кенгайтирилиши ва маъмурий-ҳуқуқий йўл билан амалга оширилишини тақозо этади. Чунки боқимандлик руҳияти кучли бўлган, экологик онг, билим ва кўникмаларга эга бўлмаган кишиларни табиатни асраб-авайлашга ўргатиш маълум бир муддатни талаб этади. Аммо пайсалга солиш экологик хавфсизликка катта зарар етказиши эҳтимолдан холи эмас.

Экологик хавфсизликни ҳуқуқий жиҳатдан бошқариш, бизнингча, маълум бир экологик қонуниятларга таянган ҳуқуқий институтлар йиғиндисини, яъни ҳуқуқий бошқарув тизимини шакллантиришдан иборат бўлмоғи лозим. Бу тизим ёки ҳуқуқий бошқарув механизми қуйидагиларни ўз ичига олади: табиат ва жамият ўртасидаги муносабатлар шаклини аниқлаш, давлат ва жамиятнинг экологик концепциясини муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан фойдаланиш принциплари кўзда тутилган ҳуқуқий нормалар; ресурслардан фойдаланиш ва атроф табиий муҳит ифлосланишининг олдини олишга қаратилган норматив ҳужжатлар.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин ўтган қисқа, лекин ижтимоий-иқтисодий юксалиш жиҳатидан энг сермахсул йилларда мамлакат экологик муносабатларнинг иқтисодий шаклидан иқтисодий-экологик шаклига ўтиб олишга муваффақ бўлди. Ҳозирги кунда экология борасидаги қонунлар ҳамма дифференциал ва интеграл объектлар бўйича қабул қилинади, давлатнинг бошқарув органлари, айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимларида экологик бўлинмалар фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг ҳаммаси фақатгина мустақиллик туфайли қўлга киритилган экологик муносабатлар борасидаги муваффақиятлардир.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг экологик сиёсати миллий экологик хавфсизликдан регионал ёки глобал хавфсизликка томон йўналтирилган бўлиши, яқин келажакда Оролбўйи, йирик саноат ҳудудлари ва аграр теграларда ишлаб чиқаришнинг экологик-иқтисодий шаклидан экологик шаклига ўтишни, яъни маълум бир ҳудудларда табиий ресурслардан самара

билан фойдаланиш, экологик тизимларни қайта тиклаш ва экологик концепцияларни амалга оширишни тақозо этади.

Экологик концепцияларни аниқлаб олиш давлат ва жамиятнинг ҳуқуқий бошқарув тизимидаги кейинги босқич бўлиб, у жамият ва табиат ўртасидаги муносабат ёки табиат ва жамият қонунларининг ўзаро таъсири ҳақидаги қарашлар тизимидир²⁶. Танланган концепция ҳуқуқий принциплар, нормалар ва меъёрларни қайси йўналишда ишлаб чиқиш зарурлигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигининг барча соҳаларидаги фаолиятини ва давлатнинг бошқариш, табиатни муҳофаза қилиш ва ривожланиш концепциясига суянган ҳолда олиб бормоқда.

Келажакда экологик концепциямиз глобал бошқарув тизимида бўлиши халқаро ҳамжамиятнинг ягона экологик хавфсизлик дастури бўйича ҳуқуқий бошқарув негизларини кўриб чиқишни тақозо этади. Экологик концепциялар, ўз навбатида, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг асосий принципларини белгилаб беради. Экологик принцип табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларга киришган кишилар яшаш фаолиятининг асосий қоидалари ҳам демакдир. Бу қоидалар 1972 йилда БМТга аъзо бўлган мамлакатларнинг нуфузли Стокгольм конференциясида қабул қилинган Декларациянинг 26 та принципида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунида ўз аксини топган²⁷.

Мазкур қонунга асосан, долзарб экологик муаммоларидан бири ҳар бир халқаро экология субъекти мазкур 26 та принципни тан олишини ва давлат бошқарув тизимида уларга риоя этишини таъминлашдан иборатдир.

²⁶ Қаранг: *Жевлаков Э. Н.* Уголовное законодательство об охране природы // Прокурорская и следственная практика. – 1999. – № 1–2. – С. 119–127.

²⁷ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1993. – № 1. – 38-модда. – Б. 117.

Олима В. Левинскаянинг фикрича, экологик хавфсизлик ҳеч қандай маъмурий ёки табиий чегараларни тан олмас экан, халқаро принциплар миллий экология қонунчилигининг туб заминида ётиши керак²⁸. Бу эса ҳуқуқ нормаларининг экологик шартлари тариқасида биринчи бор конституцияларда ўз аксини топиши билан бошланади, сўнгра экологик қонунларда кенгайтирилади ва экологиялаштирилган ҳуқуқий бошқарув тизимининг ишлаб чиқилишида ўз ифодасини топади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида экологик шартлар тўртта моддада ўз аксини топган бўлиб, 40 дан зиёд қонунларда улар кенгайтирилган ва инобатга олинган²⁹.

Экологик хавфсизлик экология қонунларида, бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқли ўлароқ, халқаро ҳуқуқ принципларига асосланган нормаларнинг салоҳияти ва устунлигини таъминлашни талаб этади. Ундан ташқари, жамиятдаги экологик муносабатларни ҳуқуқий бошқаришни асосан қонунларга суянган ҳолда олиб бориш, қонун ости норматив ҳужжатлари эса ёрдамчи элемент сифатида қаралиши лозим. Шунинг назардан қочирмаслик керакки, айниқса, ёш суверен мамлакатлар учун экологик нормалар кечаги кунни ёки келажакдаги ҳаётни эмас, бугунги куннинг реал ижтимоий-иқтисодий ва экологик шароитларини инобатга олиб ишлаб чиқилиши ва бозор муносабатлари шароитида унга молик равишда ҳуқуқий нормалар тўғриланиши ва уларга қўшимчалар киритиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда экологик-ҳуқуқий механизмни ташкил қилишнинг имконияти камаяди ва уни қабул қилишга тайёр бўлмаган жамиятда ҳуқуқий нигилизм вужудга келиши мумкин.

Меъёрий ҳуқуқ мезонлари табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни ифлослантиришни экологик хавфсиз даражада олиб бориш,

²⁸ Қаранг: *Левинская В.* Правовые, экономические, социальные и культурные основы экологической безопасности // *Хўжалик ва ҳуқуқ.* – 2000. – № 3. – Б. 76.

²⁹ Қаранг: *Жураев Ю. А.* Юридическая гарантии прав граждан на благоприятную окружающую среду // *Ҳуқуқ–Право–Law.* – 1998. – № 2. – Б. 10.

экологик тизимларнинг ишлаш қобилиятини йўқотмаслик билан белгиланади. Бундай ҳуқуқий мезонлар, биринчи навбатда, экология ҳуқуқининг объектларини реал баҳоланган (кадастрланган) ва уларнинг вақт мобайнида ўзгариб боришини назоратга олган (мониторинглаган) ҳолда ишлаб чиқишни, бошқача айтганда, дифференциациялашган (табақаланган), ўзгарувчан экологик моделлар асосида ҳуқуқий нормалар банкини яратишни талаб қилади. Чунки автомобиллардан чиқаётган заҳарли моддалар шаҳарлар агломерацияси – мегаполислар, саноат тегралари, аграр тегралар учун ҳам ва чўлли ҳудудлар учун ҳам бир хил меъёрларда бўлишини экологик хавфсизликни илмий асосда таъминлаш деб бўлмайди³⁰.

Шундай қилиб, экологик хавфсизликни таъминлаш жамиятдаги экологик муносабатларни илмий асосда, умуминсоний ҳуқуқ ва бурчларни инобатга олган ҳолда ҳуқуқий бошқаришнинг ягона тизими орқали олиб борилишини тақозо қилади.

Давлат ва ҳуқуқ каби устқурмавий ҳолатларнинг жуда яқинлиги, ўзаро боғлиқлиги, ижтимоий муносабатларни тартибга солишда намоён бўладиган бирлиги ушбу тадқиқот ишимизда қўйилган вазифаларни ҳал этишга атрофлича киришишни талаб этади. Яъни жамиятни бошқариш жараёнида ҳамда маълум ижтимоий натижаларга эришишда давлат ва ҳуқуқ функциясининг бирлигига асосланиши зарур. Ваҳоланки, давлат ва ҳуқуқнинг ўзаро муносабати мувофиқлаштирилганлиги сабабли, ижтимоий тараққиёт жараёнлари, жамият қонунчилигининг даражаси ва ҳолати давлат ҳуқуқий таъсирининг самарадорлигига боғлиқ бўлади.

Давлат ва ҳуқуқ бирлиги айнанлигидан давлатнинг экологик функцияси ва экология қонунчилиги келиб чиқади. Уларнинг ҳар иккови табиатни муҳофаза қилиш муносабатлари доирасида намоён бўлади. Шу билан бирга, бу иккала алоқадор жиҳатлар ўзаро муайян муносабатда бўлишига қарамай,

³⁰ Қаранг: *Нигматов А., Мирзаев Т.* Экологик хавфсизлик ва уни ҳуқуқий бошқариш тизими // *Ҳуқуқ–Право–Law.* – 1999. – № 2. – Б. 76–79.

аслида бир-биридан фарқ қилади: ҳар бири мустақил ҳолат сифатида намоён бўлади. Улар намоён бўлиш миқёси, усули билан ўзаро фарқланади. Шунингдек, ижтимоий аҳамияти бўйича ҳам ажралиб туради. Ҳуқуқ давлатнинг экологик функциясини амалга ошириш қуроли, воситаларидан бири ҳисобланади.

Ушбу ҳолатда давлат ва ҳуқуқ ўзаро муносабатининг моҳиятини очиб бериш давлат экологик функциясининг ижтимоий вазифасини аниқлаш заруратини келтириб чиқаради. Бундан ташқари, фақат бу муносабатни таҳлил этиш орқалигина давлат экологик функциясининг мазмуни ва имкониятларини, ҳаракат чегараларини аниқлаш имконияти вужудга келади, негаки давлат фаолияти доирасидан ташқарида ҳуқуқ ижтимоий тартибга солувчи омил сифатида ўзини намоён эта олмайди.

Ушбу муаммо ниҳоятда долзарб бўлиб, давлатнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолияти дастлаб жамият ва табиатнинг ўзаро алоқадорлиги, иқтисод ва табиат, давлат ва ҳуқуқ масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар томонидан ўрганила бошланди. Давлат ва ҳуқуқнинг умумий назарияси мутахассислари ушбу фаолиятнинг турли жиҳатларини кўриб чиққанлар, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг сиёсий-ҳуқуқий мақомини аниқлаш мақсадида давлат функцияларининг назарий жиҳатларини ўрганганлар. Аммо, ушбу назария етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги боис, давлатнинг экология соҳасидаги фаолияти унинг мустақил функцияси сифатида 80-90 йилларгача тан олинмаган.

Эндиликда давлат экология функциясининг мустақиллигини барча ҳуқуқшунос олимлар тан олганлар. Аммо экологик функциянинг амал қилиш доираси ва мазмунини аниқлаш масаласида барча олимларнинг бир хил фикрга келишига эришилмаган эди. Ушбу функцияни номлашда ҳам яқдиллик бўлмаган: айримлар «атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш» деб атасалар, бошқалар «табиий муҳитни муҳофаза қилиш» деб атайдилар³¹.

³¹ Қаранг: *Колбасов О. С.* Экология, политика, право. – М., 1976;

Юридик адабиётда давлатнинг экологик функциясини бошқача номлаш ҳолатлари ҳам учрайди. Бизнингча, давлатнинг экологик функциясини бу каби турлича номлаш ҳолатлари билан келишиб бўлмайди.

Давлатнинг экологик функциясини талқин этишда «табиий ресурслардан фойдаланиш» билан «табиатни муҳофаза қилиш»ни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ҳоллари ҳамон учрайди. Айрим олимлар уларни давлатнинг турли хил функциялари доирасига киритадилар.

Табиат ва жамият ўзаро алоқадорлиги бу шаклларни фарқлашни таъкидлаш асосида табиатни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш кўпинча ижтимоий муносабатларнинг ҳар хил эканлиги ҳақида хулоса чиқарадилар. Шунга кўра, улар табиатга нисбатан турли хил функциялар амал қилишини таъкидлайдилар: муҳофаза – табиатни муҳофаза қилиш функциясига оид, фойдаланишни – хўжалик-ташкилий функция деб ҳисоблайдилар.

Табиатни муҳофаза қилишни ундан оқилона фойдаланишдан ажратиш тўғри эмас. Давлатнинг табиатни муҳофаза қилиш сиёсати табиат бойликларидан фойдаланиш жараёнида уни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган давлатнинг экологик функцияси орқали амалга оширилади.

Табиатдан ҳар қандай фойдаланиш уни тегишлича муҳофаза қилиш жараёни билан чамбарчас бўлиши лозим. Ёхуд табиатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилганидагина табиат объектларидан фойдаланиш мумкин бўлади. Бошқача қилиб айтганда, табиатдан ҳар қандай ҳолатда ҳам самарасиз фойдаланишга йўл қўйилмайди, яъни ундан фақат оқилона фойдаланиш лозим. Табиатдан оқилона фойдаланиш эса табиатни муҳофаза қилиш талабларига сўзсиз риоя этилишини тақозо этади.

Шундан келиб чиқиб, давлат ўзининг табиатни муҳофаза қилиш сиёсатини куради, экологик функциясини амалга оширишнинг мазмуни, шакли ва усулларини белгилайди. Шунинг учун ҳам табиатга таъсир

этишнинг бу икки шаклини бир-биридан ажратиш, бир-бирига қарама-қарши қўйишга, уларни ҳар хил функциялар доирасига киритишга, шу билан давлатнинг хўжалик юритиш ва табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини ўзаро қарама-қарши қўйишга ҳеч қандай асос йўқ.

Иқтисодий ва экологик манфаатлар бирлигини асослаб, шу билан экологик функция мазмунини аниқлаб, бошқа бир ҳолатга эътибор қаратиш мумкин, яъни бу бирликни мутлақлаштириш мумкин эмас, улар ўртасида қарама-қаршилик йўқ, дейиш ҳам унчалик тўғри эмас.

Давлатнинг экологик функциясини амалга ошириш жараёнида табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш муносабатларидаги устун жиҳатларни аниқлаш ҳам жуда муҳим иш ҳисобланади. Иқтисодий манфаатларни кўзлаб табиатга зарар етказиш яхши оқибатларга олиб келмайди, ёхуд экологик манфаатларни кўзлаб иқтисодий ривожланишни таъминламаслик ҳам мумкин эмас. Бу жараёнда асосий эътибор иқтисодий ва экологик манфаатларнинг узвийлигига қаратилиши керак.

Давлатнинг экологик функциясига доир юқорида келтирилган фикрларни таҳлил қилиб, унга қуйидагича таъриф бериш мумкин: *давлатнинг экологик функцияси* деганда, унинг жамият талаб ва эҳтиёжларини янада тўлиқроқ таъминлаш ва жамият аъзоларининг яшаш, меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилаш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни тиклаш ва қўпайтириш борасидаги фаолияти тушунилади.

Ички тузилишига кўра, давлатнинг экологик функцияси ўзаро боғлиқ уч йўналишда амалга оширилади: а) атроф табиий муҳит объектларини сақлаш; б) табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш; в) табиий ресурсларни тиклаш. Конституциянинг табиатни муҳофаза қилишга доир норма ва талабларидан келиб чиқиб, давлатнинг уч шаклдаги экологик фаолияти мавжудлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин: 1) табиат объектларини

муҳофаза қилиш (55-м); 2) фуқароларнинг қулай табиий атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш (50-м); 3) мулкдан фойдаланувчи барча субъектларнинг экологик муҳитга зиён етказмасликлари, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ва ҳуқуқларини бузмасликларини таъминлаш (54-м)³².

Демак, давлатнинг экологик функцияси жамиятнинг иқтисодий ва экологик манфаатларини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиий ресурсларни тиклаш, кўпайтириш, фуқаролар учун қулай табиий атроф муҳитни яратиш мақсадларига қаратилгандир.

Давлат экологик функциясининг ушбу мақсадига жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг йўналишлари ва даражаларида кўпгина вазифаларни ҳал этиш орқали эришилади. Бундай вазифалар ҳар хил шаклларда амалга оширилади, бунда ҳар хил восита ва қуроллардан фойдаланилади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси соҳасидаги мутахассислар давлат функцияларини амалга оширишнинг ҳуқуқий шакллари ўртасидаги фарқни мисол қилиб келтирадилар ва уларни аниқ фактик ёки ташкилий фаолиятга бўладилар³³. Улар функцияларни амалга оширишнинг ҳуқуқий шакллари давлат фаолиятининг ҳуқуқий нормаларни яратиш, ўзгартириш, бекор қилиш борасидаги ҳуқуқ ижод қилиш (қонунчилик) ҳамда ҳуқуқни қўллаш шаклларига ажратадилар.

Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги давлат экологик функцияси мазмунининг бир қисмини ташкил этади ва табиатни муҳофаза қилиш борасидаги ҳуқуқ ижодкорлигининг натижаси ҳисобланади. Ҳуқуқ ижодкорлигига давлат экологик функциясининг зарурий ва доимий ҳаракат йўналиши сифатида қараш лозим.

³² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2003.

³³ Қаранг: Проблемы общей теории права и государства / Под общей редакцией В. С. Нерсеянца. – М., 1999. – С. 629–632.

Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги бошқариш тизимининг элементи, ўзига хос қуроли сифатида ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ҳолатига боғлиқ ҳолда, бошқариш объектларининг ҳаракатларидан келиб чиқиб, аниқ ва бевосита мақсадларга эришиш хусусиятларини инобатга олиб, ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг ҳулқ-атвориغا таъсир кўрсатиш чораларини вужудга келтиради. Улар мажбурловчи, рухсат берувчи, ман этувчи турларга бўлинади. Табиатни муҳофаза қилиш муносабатларини тартибга солиш усули сифатида ишонтириш ва мажбурлаш яқин бирликда бўлади. Мажбурлаш, буни истаймизми ёки йўқми, бари бир тартибга солишнинг зарурий усулидир. Мажбурлашдан воз кечиб бўлмайди ёки ижтимоий муносабатларни унинг ёрдамсиз тартибга солиш қийин бўлади.

Давлат экологик ҳуқуқбузарликларнинг оқибатларини бартараф этиш учун бузилган муносабатларни тиклаши лозим бўлади. Бундай ҳолларда давлатнинг экологик функциясини амалга ошириш юридик жавобгарлик механизми орқали амалга оширилади. Унинг ҳуқуқий асосини юридик жавобгарлик институти, яъни экологик ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг ҳуқуқий нормалари йиғиндиси ташкил этади.

Мустақил Ўзбекистон юридик адабиётида давлат фаолиятининг ҳуқуқий шакллариغا, экологик функцияни амалга оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ҳуқуқ – давлатнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишидаги кучли қурол.

Ижтимоий-иқтисодий вазифаларни тартибга солишда давлат муҳим ўрин тутди, чунки у атроф табиий муҳитнинг муҳофаза қилинишини бошқариш давлат механизмнинг элементи бўлишини таъминлайди.

Демак, табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигига жамиятда алоҳида эътибор берилди. Давлат бошқариш қуроли, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг объектив шакли, табиатни муҳофаза қилиш функциясини

амалга оширишнинг бош омили сифатида таърифланади. Шу боис ҳам табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигининг мазкур барча таърифлари унинг функционал вазифаси кўп қиррали эканидан далолат беради. Шу билан бирга, у давлатнинг экологик функциясини ҳуқуқий шаклсиз, табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигисиз амалга ошириш имкони йўқлигини билдиради, деб ўйлаймиз.

Шу ўринда табиатни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг саломатлигини муҳофаза қилишнинг ҳозирги кундаги устувор йўналишларига тўхталиб ўтиш жоиз. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида, айниқса, Қорақалпоғистон Республикасида меъёрдаги табиатни сақлаш ва атроф табиий муҳитни яхшилаш давлат ва жамият фаолиятининг асосий йўналишидир.

Бизнингча, ҳозирги пайтда, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлашда экологик хавфсизликни таъминлаш йўналишларининг энг асосийлари қуйидагилардир:

- қишлоқ хўжалигида радиацияли ва кимёвий маҳсулотларни қўллашда экологик хавфсизликни таъминлаш;
- қишлоқ хўжалиги тизимида захарли ва бошқа ўта хавфли моддаларнинг қўлланишини ҳамда ишлаб чиқарилишини камайтириш;
- Ўзбекистоннинг Оролбўйи ва бошқа ҳудудлардаги аҳолисининг экологик манфаатлари ва хавфсизлигини ҳисобга олиш;
- ўрнатилган нормаларга мувофиқ ҳаво ва сувнинг, шунингдек озик-овқат маҳсулотларининг ҳам, давлат белгилаган стандартдаги сифатини таъминлаш (хориждан олиб киришларни назорат қилган ҳолда);
- экологик жиҳатдан ночор ҳудудларда (Оролбўйида, қор кўп ёғадиган, иссиқ ва сел келиш эҳтимоли бўлган ҳудудларда) яшовчи аҳолига (болалар, ҳомиладор аёллар, кам таъминланган оилалар ва бошқаларга) ёрдам кўрсатиш ва ҳ.к.

Фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ва сонини камайтириш борасидаги энг муҳим йўналишлар қуйидагилардир:

а) салбий оқибатларга олиб келувчи экологик таҳдидларни прогноз қилиш ва аниқлаш;

б) салбий экологик оқибатларга олиб келувчи фавқулодда ҳолатлар хавфини камайтириш чораларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;

в) салбий экологик оқибатларга олиб келувчи фавқулодда ҳолатлар пайдо бўлганида аҳолини ва ҳудудларни ҳимоя қилишнинг универсал воситаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

Ҳуқуқ ижодкорлиги ва давлат механизмини такомиллаштириш борасидаги асосий йўналишлар қуйидагилардир:

1) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги табиий ресурслар ва табиатни қўриқлаш меъёрлари ҳамда улар ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш, шунингдек, атроф табиий муҳитни асраш соҳасидаги қонунчилик билан бошқа ҳуқуқ соҳалари (фуқаролик, маъмурий ва бошқалар) ўртасида уйғунликка эришиш;

2) атроф табиий муҳитни асраш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари ва жавобгарлигининг аниқ чегараланиши.

Илм, таълим ва маърифат соҳасидаги устун йўналишларни қуйидагилар ташкил этиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасининг экология ва атроф табиий муҳитни асрашнинг бир қатор илмий муаммоларини тадқиқ этиш;

б) экологик ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мақсадида, экология соҳасида педагогик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи ўқув муассасаларини ташкил этиш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган устун йўналишлар, бозор муносабатлари шароитида Ўзбекистон Республикасида давлатнинг экологик функцияни бажаришига хизмат қилади

Давлатнинг экологик функцияси жамият билан табиат ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун объектив заруратдир; давлатнинг экологик функцияси, у назарий жиҳатдан тан олинмаслигидан қатъи назар, амалда бўлади. Бу функциянинг муваффақиятли амалга оширилиши экологик функция амалга оширилиш механизмининг такомиллига етганлиги, ўсиб бориши, ишлаш қобилиятига боғлиқ бўлади.

2. Давлатнинг экологик функциясини амалга ошириш шакллари (экологик мониторинг, экологик назорат, экологик экспертиза)

Бозор иқтисодиёти шароитида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишни давлатнинг мустақил ва асосий функцияси сифатида тан олиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, ижтимоий ҳаётнинг ушбу соҳаси ўз ташкилотлари ва институтларига ҳамда ўзига хос муносабатлар ва психологик жиҳатларга эга бўлганлиги боис, мазкур функция асосий ва мустақил функция сифатида ажралиб туради.

Давлат экологик функциясининг мустақил функция сифатида ажралиб туриши жамиятнинг табиатга муносабати ўзгарганлиги билан ҳам боғлиқдир³⁴. Шундай экан, экологик функцияни давлат фаолиятидаги жамиятнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга ошириладиган объектив-зарурий, мақсадга йўналтирилган, қонунда шарт қилиб қўйилган йўналишидир, дейишга етарли даражада асосларимиз бор.

Давлатнинг экологик функцияси бутун жамият манфаатларини акс эттириб, узоқ давом этадиган объектив воқелиқдир. Давлат ҳуқуқий механизмнинг барча бўғинлари атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги хилма-хил ва мақсадга йўналтирилган ҳаракатларни амалга оширишга қаратилгандир.

Экология соҳасидаги хилма-хил ҳуқуқий муаммолар орасида бошқарув масалалари, махсус давлат органларининг ташкилотчилик фаолияти, шубҳасиз, марказий ўрин эгаллайди. Бозор иқтисодиётига ўтилиши сабабли, табиатдан оқилона фойдаланиш ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги давлат бошқарувининг моҳияти анча ўзгарди. Бугунги

³⁴ Қаранг: *Холмўминов Ж. Т.* Эколого-проовые проблемы использования и охраны орашаемых земель в Республике Узбекистан. – Т., 1996. – С. 41–52.

кунда «бошқариш» деганда, бошқариладиган объектга нисбатан битта субъектнинг ҳукмрон таъсири тушунилмайдиган бўлди. «Бошқариш» деган тушунчанинг кенг тарқалган ва «мўътадил» («ўртамиёна») таърифи тан олинди. Эндиликда биз табиий ресурслардан (бойликлардан) фойдаланиш ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат функцияси давлат органларининг ташкилотчилик фаолиятидир, деб тушунамиз.

Ҳозирги кунда «бошқарув» деганда, маълум бир доирадаги давлат фаолияти кўзда тутилади. Аммо бу фаолият чекланган бўлиб, у субъектлар ўзларини қандай тутишлари лозимлигининг умумий қоидаларинигина белгилаб беради, аммо хўжалик юритувчи тизимни ташкил этиш масалалари билан шуғулланмайди. Ҳозирги кунда биз тараққиётнинг асосий йўналишлари, чегаралари ва доиралари асосан давлат томонидан белгиланаётганлигига, хўжалик юритиш ташаббуси нодавлат ташкилотларидан чиқаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Бизнингча, «бошқарув» тушунчасининг бундай талқинини қабул қилиш ва амалиётда қўллаш мумкин. Лекин, шундай бўлса-да, давлатнинг маълум мақсадларини ҳамда функцияларини бажаришга йўналтирилган ташкилотчилик фаолиятини бошқарувнинг тўлиқ тавсифи деб белгилаш лозим. Бошқарув ўзаро жипс боғлиқликда бўлган элементлардан (унсурлардан) ташкил топган маълум бир жараён дир. Айтиш мумкинки, бу бошқарувнинг умумий, ташкилий-иқтисодий тавсифидир. Шу билан бирга, Б. В. Ерофеевнинг таъкидлашича, «иқтисодий ва экологик тизимларга нисбатан давлатнинг тартибга солиш фаолиятидаги ўзига хосликлар уларнинг табиатидаги муҳим фарқлардан келиб чиқади: иқтисодий тизимда кечадиган объектив жараёнларга чуқур аралашиб мумкин, аммо экологик тизимда амал қиладиган табиат қонунларига умуман аралашиб бўлмайди»³⁵.

³⁵ *Ерофеев Б. В.* Экологическая право. – М., 1998. – С. 238.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, табиат шундай бир бошқарув объектидирки, унга нисбатан ўтказилган ҳар қандай нотўғри таъсир жиддий салбий экологик оқибатларга олиб келиши мумкин, шу боисдан у алоҳида ҳуқуқий тартибга солиниши лозим. Табиат моддий бойликларнинг манбаигина эмас, балки одамларнинг ўзи истиқомат қиладиган муҳитдир. Бу ўринда фақат экологик манфаатларни дастур қилиб олиш билан чекланиб бўлмайди, давлатнинг экологик сиёсати асосида «инсоннинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, аҳолининг ҳаёти ва дам олиши учун қулай бўлган атроф табиий муҳитни асраб қолиш ва қайта тиклашнинг устунлиги» принципи ётиши керак.

Юқорида айтилганларни таҳлил қила туриб, шунини таъкидлаш мумкинки, республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий соҳасида давлат функциясининг мазмуни жиддий ўзгаришларга учраган. Ҳаётимизнинг баъзи бир соҳаларида у ахлоқнинг умумий қоидаларини белгилайди, маълум бир чегараларни, давлат таъсири ўтказилмайдиган доираларни аниқлаб беради. Буларни энди давлат тавсиялари деб аташ мумкин. Иккинчи томондан, барча ижтимоий муносабатларга давлат таъсири ўтказиладиган соҳалар давлатнинг қўлида қолади. Бизнингча, ҳуқуқ-тартиботнинг маълум даражасини сақлаб қолиш ҳамда барча субъектларнинг манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш учун худди шундай бўлиши лозим. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳаси ижтимоий ҳаётнинг шундай соҳаси ҳисобланади.

Ушбу сўзларнинг исботи тариқасида амалдаги қонунчиликнинг қуйидаги хусусиятларини келтириш мумкин:

биринчидан, давлат барча табиий ресурсларнинг мулкдоридир, шу сабабли, ушбу ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ барча ижтимоий муносабатлар давлат томонидан белгилаб қўйилган;

иккинчидан, атроф табиий муҳитга зарар етказадиган барча фаолият турлари давлат томонидан тўхтатиб қўйилиши, тугатилиши ва ман этилиши мумкин.

Кўриниб турибдики, мазкур хусусиятлар давлатнинг экология соҳасидаги таъсири экологик тартибнинг маълум даражасини таъминлаш учун жуда чуқур амал қилишидан далолат беради.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, табиатдан фойдаланиш ва экология соҳасидаги функция махсус ваколатли давлат органларининг ташкилотчилик фаолияти бўлиб, улар экологик муносабатлар ҳукмрон таъсир элементларини сақлаб қолган ҳолда иқтисодий усулларни қўллайдилар. Махсус ваколатга эга бўлган органларнинг ушбу фаолияти ўзаро боғлиқ жараёндир.

Давлат экологик функциясининг элементи сифатида атроф табиий муҳит мониторинги катта аҳамият касб этади. *Мониторинг* деганда, кенг маънода, бир объект устидан назорат олиб бориш ҳамда шу объект тўғрисида ахборот тўплаш тизими тушунилади.

Фикримизча, «мониторинг» сўзининг маъноси ва унинг атроф табиий муҳит билан боғлиқлиги Юридик энциклопедияда³⁶ тўғри акс эттирилган: «Мониторинг (инглизча-monitoring) – 1) маълум жараёни доимий кузатиш, ҳисобга олиш, уларга баҳо бериш ва истиқболлини белгилаш; 2) атроф табиий муҳитнинг ҳолатини ва унинг ресурсларини кузатиш, ҳисобга олиш, уларга баҳо бериш ва табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизимини ташкил этиш». Бизнингча, ушбу таъриф давлатнинг экологик функциясига бевосита дахлдордир.

Экологик муносабатлар соҳасидаги давлат функцияси, худди бошқа соҳалардаги сингари, атроф табиий муҳитга оид ахборотни қайта ишлаш жараёндир. Бундай ахборот асослантирилган бошқарув қарорларини қабул

³⁶ Қаранг: Юридик энциклопедия / Юридик фанлар д-ри, проф. У. Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т., 2001. – Б. 309.

қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу ўринда яна шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бошқарув жараёнининг ҳар бир босқичи учун экологик маълумотлар зарур бўлади.

«Экологик мониторинг» тушунчасини тавсифлашдан аввал баъзи бир масалаларни ойдинлаштириб олиш лозим: табиатдан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳит муҳофазасини бошқариб бориш механизмида мониторинг қандай ўрин тутаети? У қандай функцияларни бажаришга йўналтирилган?

Бу масала бўйича ҳам турли нуқтаи назарлар мавжуд.

Масалан, Н. Б. Муҳитдинов ўз монографиясида табиатни муҳофаза қилиш муносабатлари соҳасидаги давлат бошқарувининг қуйидаги функцияларини ажратиб кўрсатади: «табиат объектларидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишни режалаштириш, давлат кадастрларини ҳисоблаш ва юритиш, табиат объектларини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, табиат объектларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни назорат қилиб бориш, табиат объектларидан фойдаланиш масалалари бўйича юзага келган низоларни ҳал этиш»³⁷. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқарувнинг мазкур функциялари, унинг фикрича, табиий ресурсларга оид муносабатларга ҳам татбиқ этилиши мумкин (ер, сув, ер ости бойликлари ва бошқалар).

Ўзининг кейинги ишларида ҳам Н. Б. Муҳитдинов экологик муносабатлар соҳасидаги бошқарув функцияларининг ушбу тизимидан воз кечмаган. Ушбу ҳуқуқ ҳаракатни сув ҳуқуқига мувофиқ равишда кўриб чиқа туриб, таъкидлаш мумкинки, янги экологик шароитларга мувофиқ у сув ресурсларини бошқариш функциялари тизимига маълум тузатишлар киритади. Аммо олим мониторингни мустақил ҳаракат сифатида ажратиб кўрсатмайди³⁸.

³⁷ *Муҳитдинов Н. Б.* Основы горного права. – Алма-Ата, 1983. – С. 162.

³⁸ Қаранг: *Муҳитдинов Н. Б., Тукеев А. Ж.* Право собственности на воды Республики Казахстан в период перехода к рынку. – Алматы, 1995. – С. 107.

Табиат ресурслари мониторинги табиат ресурслари ҳисоб-китоби ва табиат ресурслари кадастрини юритиш ёхуд «табиат объектидан фойдаланиш устидан назорат олиб бориш давлат функциялари томонидан қамраб олинади» деган нуқтаи назарни аниқлаш, функционал вазифаси бўйича мониторинг, фикримизча, атроф табиий муҳит ҳамда унинг алоҳида объектларининг ҳолатини назорат қилиш фаолиятини аниқлатади. Экологик муносабатлар соҳасидаги давлат бошқарувининг бошқа функциялари билан таққослаб кўрадиган бўлсак, экологик мониторинг улардан бирмунча фарқ қилишини кўришимиз мумкин. Экологик мониторинг улардан мақсади, вазифалари, моҳияти, фаолият шакллари ва усуллари бўйича фарқ қилади.

Мисол учун, кадастр юритиш, экологик экспертиза, нормага солиш ва назорат функцияларини кўриб чиқайлик. Табиат ресурслари тўғрисидаги маълумотларнинг жамламасини ташкил этар экан, кадастр маълумотларининг тизимлаштирилган тўпламини аниқлатади, улар ўз ҳаракатлари ва моҳиятларига боғлиқ равишда тегишли бўлимларга бирлашадилар. Уларнинг ҳар бири кадастрда маълум функцияни амалга оширади ва маълум турдаги ахборотни ташувчи вазифасини бажаради.

Ушбу таърифдан кўришиб турибдики, табиат ресурслари кадастрини юритиш функцияси ҳамда табиий объектлар захиралари ҳисоб-китобининг моҳияти экологик мониторинг ўтказиш жараёнида олинadиган ахборот маълум усуллар билан қайта ишланиб, белгиланган мезонлар бўйича тизимланишини қайд этиш билан боғлиқдир. Демак, экологик мониторинг функцияси табиат кадастрини юритиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

«Атроф табиий муҳитнинг сифатини стандартлаштириш» моҳияти бўйича ўзига хос функциядир. Юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиқадиган маъно шуки, мониторинг функция сифатида атроф табиий муҳит сифатини стандартлаштириш функциясининг таркибига кира олмайди, аксинча, стандартлаштириш экологик мониторингни амалга ошириш шакллари, усуллари ва турлари учун методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Экологик мониторингнинг маълумотлари давлат экологик бошқарувининг кўрсатиб ўтилган функцияларини амалга ошириш учун таянч нуқта бўлиб хизмат қилади. Табиат объектларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш борасидаги ҳар қандай фаолият экологик ахборотга асосланиш лозим, шундан сўнг нимани, қандай режалаштириш лозимлиги тўғрисида қарорлар қабул қилинади. Ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланишга рухсат беришдан аввал давлат фойдаланиладиган табиат объектининг ҳолати хусусидаги ёхуд амалга оширилиши режалаштириладиган фаолиятнинг атроф табиий муҳитга қандай таъсир қилиши мумкинлиги хусусидаги маълумотларга эга бўлиши лозим. Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш масалалари бўйича юзага келган низолар экологик мониторинг маълумотлари асосида ҳал этилади. Бинобарин, экологик мониторингни амалга ошириш экология соҳасидаги давлат бошқаруви механизмининг фаолият кўрсатиши учун зарурий шарт бўлиб ҳисобланади.

Экологик мониторинг функциясининг мустақиллиги хусусида яна бир хулоса чиқариш мумкин. Ушбу функция экологик бошқарувнинг бутун механизми учун асос бўлганлиги сабабли, у бошқа функциялар томонидан камраб олинмаслиги ҳамда мустақил равишда амалга оширилиши лозим. Д. Л. Байдельдинов ҳам шу хулосани қўллаб-қувватлайди. Бу олим ушбу функцияни амалга оширадиган бир қатор давлат органлари ва ҳатто бутун бир тизим мавжудлигини мисол қилиб келтиради³⁹. Таъкидлаб ўтиш лозимки, мониторинг функцияси экология соҳасидаги бошқарув механизмининг биринчи навбатдаги функциясидир.

Шундай қилиб, экологик мониторингнинг қуйидаги таърифни келтириш мумкин: экологик мониторинг экология соҳасидаги давлат бошқарувининг мустақил функциясидир. Алоҳида табиий ресурслар ва

³⁹ Қаранг: *Байдельдинов Д. Л.* Правовой механизм государственного управления в области экологии. – Алматы, 1998. – С. 28.

атроф табиий муҳит сифатининг ҳолатини кузатиш, баҳолаш ва башорат қилиш (олдиндан айтиш) бўйича илмий асосланган услублар асосида маълум ишларни амалга ошириш унинг моҳиятини ташкил этади.

Кузатиш объектига боғлиқ равишда экологик мониторинг қуйидаги гуруҳларга бўлинади: 1) атроф табиий муҳит мониторинги; 2) ер мониторинги; 3) ер ости бойликлари мониторинги; 4) сув мониторинги; 5) ўрмон мониторинги; 5) ўсимликлар дунёси мониторинги; 6) ҳайвонот дунёси мониторинги; 7) атмосфера ҳавоси мониторинги.

Экологик мониторингнинг кўрсатиб ўтилган турларидан ҳар бири маълум табиий ресурсларга мувофиқ равишда ўзининг тур ости хилларига эгадир. Масалан, ер ости бойликлари мониторинги қаттиқ фойдали қазилма бойликлар, нефть ва газ конлари мониторингини ўз ичига олади; ўрмон экотизимлари мониторинги эса ўрмонлардаги ёнғинлар мониторингини, ер мониторинги эса аҳоли яшайдиган ҳудудлардаги ер мониторингини мужассам этган.

Мониторингни ўтказиш ҳудудга, маъмурий, иқтисодий, экологик-ландшафт чегараларига боғлиқ равишда олиб борилади ҳамда республика миқёсидаги, ҳудудий ва маҳаллий мониторингларга бўлинади.

Табиат объектининг сифати тўғрисида ишончли ахборот олиш учун вақт омили, яъни табиат ёки табиий муҳитнинг сифати тўғрисида маълумотлар олиш частотаси (такрорланиш даражаси) алоҳида аҳамият касб этади. Бир марталик кузатишда мониторинг маълумотларида атроф муҳитдаги ўзгаришларни ёки ифлосланганликнинг тўлиқ ҳажмини қайд этишнинг иложи бўлмайди. Узлуксиз кузатишлар орқалигина табиат объектининг ҳолати тўғрисида тўлиқ ва объектив маълумотлар тўплаш мумкин. Бу эса мониторингнинг қуйидаги турларини ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади: 1) тезкор мониторинг; бунда маълумотлар маълум бир вақт давомида бир марталик текширишлар (ўлчашлар) ёрдамида тўпланади; 2) негиз

мониторинг; бу турда маълумотлар вақтлар оралиғида қайта-қайта (даврий) текширишлар орқали олинади.

Баъзан мониторингнинг махсус тури хусусида сўз юритилади. Мониторингнинг бу турида кузатишлар маълум асбоб-ускуналар билан махсус ишлаб чиқилган усуллар (методика) асосида амалга оширилади. Экологик мониторингнинг умумий турлари ана шулардан иборат.

Давлатнинг экологик функциясини амалга оширишда экологик назорат муҳим ўрин тутди. Экологик назоратни амалга ошириш давлат экологик функциясининг таркибий қисмидир. Экологик-ҳуқуқий механизмнинг ушбу функцияси табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида давлат бошқарувини амалга оширишнинг зарурий элементи сифатида юзага келган. Экологик назорат ўтказиш шарт-шароитлари, уни ташкил қилиш ҳамда тушунчанинг назарий масалалари ҳуқуқий адабиётда умуман табиатни ҳамда унинг алоҳида ресурсларини бошқариш нуқтаи назаридан жуда кенг ёритилган⁴⁰.

Ижтимоий муносабатларнинг ушбу соҳасини тартибга солишнинг етарли даражадаги амалиёти ҳам мавжуд, бу вазифаларни амалга ошириш ваколати берилган махсус давлат органлари ҳам тузилган.

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг шаклланиши, хусусий мулкчиликнинг юзага келиши янги хўжалик юритувчи субъектларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бунинг оқибатида атроф табиий муҳит сифатини бошқаришнинг шакллари ҳамда усуллари ҳам ўзгаради, бу эса, ўз навбатида, экологик назорат тавсифида ҳам ўз аксини топади.

Россия юридик адабиётида кўрсатилишича, «экологик назорат умуман жамиятнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги экологик талабларга корхоналар, муассасалар,

⁴⁰ Қаранг: *Голиченков А. К.* Экологический контроль: теория, практика правового регулирования. – М., 1992.

ташкilotлар, яъни барча хўжалик юритувчиларнинг риоя қилишларини текширишдир»⁴¹.

Бизнингча, «экологик назорат» тушунчасига чоп этилган «Экология ҳуқуқи» дарслигида анча тўғри таъриф берилган. Унда «экология назорати атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш қоида-талабларини барча вазирлик, давлат қўмиталари ва идоралари, корхоналар, ташкilotлар, муассаса, мансабдор ва жисмоний шахслар томонидан бажарилишини текшириш, табиий муҳит ҳолатини ўрганиш ва кузатиш, чора-тадбирларни қўллаш билан боғлиқ сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий чора-тадбирлар йиғиндисини ўз ичига олади» деб кўрсатилган⁴².

Санаб ўтилган нуктаи назарларни ўрганиб чиқиб, таъкидлаш лозимки, экологик назорат жуда мураккаб, кўп қиррали тушунчадир. Унинг моҳиятини англаб етиш учун, биринчи навбатда, унинг мақсадлари, функциялари, объектлари, тамойиллари, шакллари, тизими ва турларини аниқлаш лозим.

Давлат бошқарув фаолиятининг функциялари орасида экологик назорат жуда муҳим ўрин тутди.

Юқорида айтилганлар, А. К. Голиченковнинг экологик назоратни турли жиҳатлардан, турли даражаларда кўриб чиқиш зарурлиги тўғрисидаги фикри тўғри эканлигини тасдиқлайди⁴³:

биринчидан, экологик назорат давлат бошқарувининг табиатдан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги функцияларидан биридир;

⁴¹ Экологическое право России / Под ред. В. Д. Ермакова, А.Я.Сухарева.– М., 1997.

⁴² Қаранг: Экология ҳуқуқи /М. Б. Усмонов таҳрири остида.– Т., 2001. –Б.81.

⁴³ Қаранг: *Голиченков А. К.* Экологический контроль: теория практика правового регулирования. – М., 1992. – С. 73.

иккинчидан, экологик назорат атроф табиий муҳит сифатини бошқариш механизмининг таркибий қисми, экологик кўрсатмалар ва табиатни муҳофаза қилиш борасидаги тадбирлар бажарилиши самарадорлигининг кафолатидир;

учинчидан, экологик назорат табиатдан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш борасида давлат бошқарувининг қонунийлигини таъминлаш усулидир.

Кўриниб турибдики, бозор иқтисодиёти шароитида табиатдан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги давлат функцияси маъмурий буйруқбозлик тизимидагига қараганда биров бошқача моҳият касб этади. Давлат кўпроқ иқтисодий таъсир чораларини қўллайди, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларнинг табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини тегишли даражада амалга ошириш, экологик-ҳуқуқий талаблар ва кўрсатмаларга риоя қилиш борасидаги ишларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиради.

Шундай экан, бошқариш функцияси сифатидаги экологик назорат бир қатор махсус ўзига хосликларга эгаки, шулар орқали у бошқа функциялардан фарқ қилади. Булар қуйидагилардир:

биринчидан, давлат органлари томонидан экологик назорат амалга оширилиши борасидаги муносабатларни «ҳокимият муносабатлари» деб аташ мумкин, зеро назоратга ҳокимият ваколатларини амалга ошириш хосдир;

иккинчидан, табиат ресурсларига бўлган давлат мулкчилиги ҳуқуқи давлат органлари томонидан экологик назорат амалга оширилишининг моддий кафолатидир;

учинчидан, давлат аралашувининг юридик чегаралари юзага келган моддий шарт-шароитларга биноан аниқланади.

Шу ўринда хўжалик юритувчи субъектлар мустақиллигининг, хусусий мулкдорлар мавжудлигининг, бозор иқтисодиёти шароитида давлат экологик назоратининг чегаралари қандай, деган ҳаққоний савол пайдо бўлади.

Давлат экологик назоратни амалга ошираётганида мулкдорлар, табиатдан фойдаланувчиларнинг фаолиятига аралашади ҳамда бозор иқтисоди муносабатлари шароитида экологик хавфсизликни таъминлаш учун қанча ҳуқуқ зарур бўлса, шунча ҳуқуққа эга бўлади.

Экологик назоратни амалга оширишдан кўзланган мақсадлар турличадир. Уларни шартли равишда умумий ва махсус мақсадларга ажратиш мумкин. А. К. Голиченков ҳақли равишда таъкидлаб ўтганидек, «умумий мақсад мамлакатда амалга ошириладиган барча экологик фаолиятдан кўзланадиган мақсадга мос келади»⁴⁴.

Бизнингча, айтиб ўтилган умумий мақсад билан бир қаторда, экологик назорат бошқа махсус мақсадларни таъминлашга ҳам йўналтирилади. Хўжалик юритиш ёки бошқа фаолиятининг инсон ҳаётига ва соғлиғига, атроф табиий муҳитга ва унинг алоҳида қисмларига зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда шундай зарарли таъсирларнинг бартараф этилиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш худди шундай махсус мақсадлар сирасига киради. Умумий ва махсус мақсадларни ажратиб кўрсатиш кенг маънодаги «экологик назорат» тушунчасини шакллантириш имконини беради.

Кенг маънодаги экологик назорат деганда, давлат органларининг хўжалик ва бошқа фаолият таъсири остидаги атроф табиий муҳит ва унинг алоҳида объектлари ҳолатини кузатиш, барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан атроф муҳит муҳофазаси ва экологик хавфсизликни таъминлаш борасидаги талабларнинг бажарилишини кузатиб бориш, экологик қонунчилик нормалари ва талаблари бузилишининг сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, шунингдек, уларнинг олдини олиш борасидаги фаолияти тушунилади. Кенг маънодаги «экологик назорат» тушунчаси бешта элементдан ташкил топади:

⁴⁴ *Голиченков А. К.* Экологический контроль: теория, практика правового регулирования. – М., 1992. – С. 37.

экологик мониторинг, экологик экспертиза, давлат экологик назорати, идоравий ишлаб чиқариш ва жамоатчилик экологик назорати.

Шу билан бирга, «экологик назоратни» тор маънода ҳам тушуниш мумкин. Тор маънода экологик назорат деганда, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф табиий муҳит ва унинг алоҳида объектларига етказилаётган зарарли таъсирни бартараф этиш ҳамда шундай таъсирлар юзага келишининг олдини олиш мақсадида, амалдаги қонунчиликнинг экологик нормалари ва талаблари ижросини текшириш тушунилади.

Экологик назоратнинг мақсадлари экологик хавфсизликни таъминлаш хўжалик ёки бошқа фаолиятнинг инсон ҳаёти ва соғлиғига, атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш ҳамда бартараф этишдир. Улар турли ташкилий-ҳуқуқий усуллар билан амалга оширилади. Қуйидагилар шулар жумласига киради: атроф табиий муҳит ҳамда унинг алоҳида объектларининг ҳолатини кузатиб бориш; атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш борасидаги тадбирларнинг бажарилишини текшириш ва умумлаштириш; экологик қонунчилик нормалари ва талабларининг ижросини текшириш; юридик ва жисмоний шахслар юритадиган экологик зарарли фаолиятнинг олдини олиш, чеклаш, тўхтатиб қўйиш ҳамда тугатиш йўли билан экологик зарарли фаолиятнинг олдини олиш ва уни баҳолаш; табиатдан махсус фойдаланиш лицензияларида (рухсатномаларида), шартномаларда айтиб ўтилган шартларнинг бажарилишини текшириш ва лицензия бериш; экологик қоида-талабларни бузган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик чораларини қўллаш.

Таъкидлаш ўринлики, экологик назоратни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар экология ҳуқуқининг предметига киради, зеро гап жамият ва табиатнинг ўзаро алоқаси соҳасидаги муносабатлар тўғрисида бормоқда. Экологик назорат тўғрисидаги ҳуқуқий нормалар давлат томонидан тан олинадиган ва таъминланадиган ҳамма учун мажбурий

қоидалар сирасига киради, улардан ушбу муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва бурчлари келиб чиқади ҳамда экология ҳуқуқи умумий қисмининг ягона ҳуқуқий институтини ташкил этади.

Давлатнинг экологик функциясини амалга оширишда экологик экспертиза ҳам муҳим ўрин тутди. Экологик экспертиза атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасидаги назорат фаолиятида алоҳида аҳамиятга эга. Бу ҳолат экологик назорат ва экологик экспертизани бир-бири билан ўзаро боғлиқликда кўриб чиқишни тақозо этади. Экологик экспертиза хўжалик ва бошқа фаолиятнинг атроф табиий муҳит сифати нормативлари ҳамда экологик талабларга қанчалик мослигини, ушбу фаолиятнинг атроф табиий муҳитга етказиши мумкин бўлган салбий таъсирлари ва улардан келиб чиқадиган оқибатларнинг олдини олиш мақсадида экспертиза объектларининг амалга оширилишига йўл қўйиш мумкинлигини ёки мумкин эмаслигини аниқлашдир.

Экологик экспертиза экологик ҳуқуқий механизмнинг таркибий қисми сифатида атроф табиий муҳитнинг барқарорлигини сақлаш, табиий бойликлардан унумли ва самарали фойдаланиш ҳамда аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эгадир⁴⁵.

Экологик назорат сингари экологик экспертизанинг ҳам мақсади режалаштирилаётган инсон фаолиятининг инсон ҳаёти ва соғлиғига, атроф табиий муҳитга ва унинг алоҳида объектларига етказиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олишдир. Шу билан бир қаторда, экологик экспертиза ёрдамида қуйидаги масалалар ҳал этилади: режалаштирилаётган бошқарув, хўжалик, инвестиция ва бошқа фаолиятларнинг атроф табиий муҳитга ва аҳоли соғлиғига етказадиган таъсирини баҳолаш ва тўғрилигини аниқлаш; бу ишлар экспертиза объектида бажарилади ҳамда бир йўла ижтимоий, иқтисодий ва экологик оқибатлар таҳлили ҳам ўтказилади; хўжаликка оид ва бошқа фаолиятнинг инсон соғлиғи ҳамда атроф табиий

⁴⁵ Қаранг: Экология ҳуқуқи / М. Б. Усмонов таҳрири остида. Т., 2001.– Б. 86.

муҳитга таъсирининг ҳар томонлама илмий асосланган таҳлилини ва баҳолашни ташкил этиш; тегишли ҳужжатларда экологик талаблар, нормалар, қоидалар, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган андозаларга қанчалик риоя қилинганлигини текшириш, экологик экспертиза тайёрлаш, уларни экспертиза объекти амалга ошириш тўғрисидаги қарор қабул қиладиган ташкилотларга бериш ҳамда манфаатдор органлар ва аҳолига зарур ахборотни тақдим этиш. Ўзбекистон Республикасида экологик экспертиза билан боғлиқ фаолият «Экологик экспертиза тўғрисида»ги қонун асосида амалга оширилади.

Экологик экспертизанинг мисол қилиб келтирилган рўйхати унинг, биринчи навбатда, огоҳлантирувчи функцияни бажаришидан далолат беради. Аммо В. В. Петровнинг таъкидлашича, «ҳар қандай дастлабки текширув ҳам том маънода экологик экспертиза деб аталавермайди, дастлабки текширув махсус ваколатли орган тайинлаган комиссия томонидан ўтказилган тақдирдагина экологик экспертиза шаклига айланади»⁴⁶. Бундан ташқари, экологик экспертизанинг ўтказилиши маълум принципларга асосланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг «Экологик экспертиза тўғрисида»ги қонунининг 5-моддасида баён қилиб берилган.

Давлат экологик экспертизасининг ўтказилиши мажбурийдир. Бунда марказий ва маҳаллий ижроия органларининг назорат қилувчи бўлимлари ўзаро ҳамкорликда иш юритадилар. Экологик экспертизанинг хулосалари объектив ва илмий асосланган бўлмоғи лозим. Экспертиза органлари ва экспертлар ўз ваколатларини амалга оширишда мустақилдирлар. Экологик экспертиза очик, ошкора ва комплекс равишда ўтказилади, бунда экологик ва тиббий-биологик манфаатлар устунлик қилади. Назаримизда, мавжуд принциплар тизимини тўлдириш мақсадга мувофиқдир. Бу рўйхатда экспертизанинг ноидоравийлик принципи ҳам акс эттирилиши лозим, зеро

⁴⁶ *Петров В. В.* Экологическое право России.– М., 1990. – С. 252.

экологик экспертиза ҳар қандай ҳолларда ҳам алоҳида бир идоранинг манфаатлари ва нуқтаи назарларини эмас, балки атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш принципларини ҳимоя қилади.

Давлат экологик экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда унинг жойлардаги органлари амалга оширадиган экспертлик фаолиятининг бир туридир. У мажбурий хусусиятга эга бўлиб, ҳуқуқий, хўжалик, бошқарувга оид ҳамда бошқа қарорлар қабул қилинишидан аввал ўтказилади. Маълумотлар тўплаш, уларни умумлаштириш, таҳлил қилиш, баҳолаш, хулосалар бериш ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилиб бориш давлат экологик экспертизасининг усуллари ҳисобланади.

Давлат экологик экспертизаси ўтказилиши лозим бўлган объектларнинг батафсил рўйхати Ўзбекистон Республикаси «Экологик экспертиза тўғрисида»ги қонунининг 14-моддасида баён этилган. Унга биноан, қуйидагилар мажбурий равишда экологик экспертизадан ўтказилиши лозим: режалаштирилаётган, режадан олдинги ва лойиҳалаштиришдан олдинги ҳужжатларнинг барча турлари; прогнозлар, экологик ва бошқа дастурларнинг лойиҳалари, фаолиятининг асосий йўналишлари, давлат инвестиция дастурлари, шартномалар, контрактлар, шу жумладан, мулк шаклининг ўзгариши ҳамда хусусийлаштиришнинг бошқа турларига тааллуқли; ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш схемаларининг лойиҳалари; сув, ер, ўрмон ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш комплекс схемаларининг лойиҳалари; шаҳарларни ободонлаштириш бош режаларининг лойиҳалари, шу жумладан, махсус иқтисодий ҳудудлар ҳамда табиатдан фойдаланиш ва хўжалик фаолияти юритишнинг махсус, алоҳида режимга эга бўлган ҳудудлари режаларининг лойиҳалари; экологик талабларни янги техника воситалари ва технологияларга, материаллар ва моддаларга, шу жумладан, хориждан сотиб олинган материалларга асослантириш тўғрисидаги

хужжатлар; қурилишлар, реконструкциялар лойиҳаларининг, корхоналар ва ташкилотлар тугатилишининг техник-иқтисодий асослари; ҳайвонот ва наботот дунёсидан фойдаланишнинг биологик асослари; экологик, шу жумладан, радиациявий хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари; хавфли табиий офатлар натижасида, шунингдек нотўғри, палапартиш хўжалик юритиш ва бошқа фаолият оқибатида ҳудудда юзага келган экологик вазиятни тадқиқ этиш материаллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва бошқа органларининг қарорлари билан бошқа жойлар ва ҳужжатлар экологик экспертизадан ўтказилади.

Инсон, унинг ҳаёти ва соғлиғи, атроф табиий муҳит билан бирга, экологик экспертизанинг алоҳида объекти ҳисобланади. Аммо Ўзбекистон Республикасининг «Экологик экспертиза тўғрисида»ги қонунида бу ҳолат тўлиқ акс эттирилмаган, экспертизанинг экологик-санитария тури ҳам тилга олинмаган. Бундай экспертизани ўтказиш ноҳуш таъсирлар инсон соғлиғига етказган зарарни қоплаш тўғрисидаги масалани ҳал этишда муҳим ўрин тутади.

Амалдаги қонунчиликка биноан давлатнинг экологик назорати турли шаклларда амалга оширилади. Уларнинг ичида энг кўп тарқалгани огоҳлантирувчи назоратдир, у режавий, режа-смета, норматив-техник, ҳужжатларни текшириш лойиҳасининг экологик экспертизаси кўринишларида амалга оширилади. Қурилаётган ва қуриб битказилган объектларнинг қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган экологик талабларга қанчалик мослигини текшириш, давлат қабул комиссияларининг ишида иштирок этиш ҳам шулар жумласидандир.

Жорий давлат назорати хўжалик юритиш ёки бошқа фаолият жараёнида, табиий ресурслардан фойдаланишда амалга оширилади, у мавжуд экологик талабларнинг бузилишларини бартараф этиш, экологик зарар етказиш манбаларини ва етказилган экологик зарарни аниқлашга йўналтирилган.

Экологик назорат объектлари нуқтаи назаридан давлат экологик назоратини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- 1) атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш;
- 2) ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш;
- 3) сувларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш;
- 4) ўрмонларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш.

Бу эса, ўз навбатида, экологик экспертиза фаолиятини амалга оширишни анча енгиллаштиради.

А. К. Голиченковнинг фикрича, экологик экспертиза жараёни учта босқичда амалга оширилади: аввал тегишли хужжатлар ёки объект экспертизага тақдим этилади, сўнгра эксперт комиссияси ушбу хужжатлар ёки объектни тадқиқ этади, шундан кейин тегишли хужжатлар ёки объектнинг экологик ёхуд бошқа махсус нормаларга, қоидаларга қанчалик мослиги тўғрисида эксперт комиссияси хулосаси кўринишларида баҳо берилади⁴⁷.

В. В. Петров эса экологик экспертиза жараёнини янада тўлиқроқ тавсифлайди ва унда бешта босқични ажратиб кўрсатади.

Улар қуйидагилардир:

- 1) экспертиза тайинлаш;
- 2) ахборот тўплаш, умумлаштириш ва баҳолаш;
- 3) экспертизанинг дастлабки хулосасини чиқариш ва жамоатчиликка эълон қилиш;

4) экспертиза хулосасини ваколатли орган раҳбарига тақдим этиш ва тасдиқлатиш;

- 5) низоларни ҳал этиш⁴⁸.

⁴⁷ Қаранг: *Голиченков А. К.* Экологический контроль: теория, практика правового регулирования. – М., 1992. – С. 37–38.

⁴⁸ Қаранг: *Петров В. В.* Экологическое право России. – М., 1995. – С. 252–253.

Экспертизани давлат экологик экспертизаси хизматининг ходимлари ҳам, шунингдек четдан таклиф этилган экспертлар иштирокидаги экспертиза комиссиялари ҳам ўтказишлари мумкин.

Давлат экологик экспертизасининг хулосасида экологик экспертиза объектларини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилиш ёки қилмаслик хусусида хулосалар берилади. Лойиҳалаш ҳужжатлари бўйича давлат экологик экспертизасининг хулосаси берилган кунидан бошлаб қурилиш бошлангунига қадар икки йилгача амал қилади, амалдаги ёки қурилаётган объектларнинг ҳужжатлари бўйича эса беш йилгача амал қилади. Экологик назорат тизимини кўриб чиқишни ниҳоясига етказмай туриб ҳам шундай хулоса қилиш мумкин: экологик назорат, атроф табиий муҳит ҳамда табиий ресурслар мониторинги ва экологик экспертиза битта умумий мақсадга эришиш, яъни атроф муҳитга, унинг алоҳида объектларига, инсон ҳаёти ва соғлиғига етказиладиган зарарнинг олдини олишга ва мавжуд зарарларни бартараф этиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга йўналтирилгандир.

Шу билан бирга, уларнинг ҳар бири ўз функцияларига, ўз «шахсий вазибаларига», амалга ошириш усулларига, объектлари ва шаклларига эгадир. Масалан, атроф табиий муҳит ва табиат ресурслар мониторинги атроф табиий муҳит ҳамда унинг алоҳида ҳолатини кузатиб бориш, антропоген ёки бошқа таъсирлар оқибатида унда юзага келаётган ўзгаришларни кузатиб боришдир. Мониторинг маълумотлари атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасида бошқарув ва хўжалик қарорлари қабул қилинишини таъминлайди. Экологик ахборотни тўплаш ва тақдим этиш билан чекланадиган атроф табиий муҳит ва табиат ресурсларининг мониторингидан фарқли ўлароқ, экологик назорат қонунчиликдаги экологик талабларнинг барча хўжалик юритувчи субъектлари ва фуқаролар томонидан бажарилишини таъминлайдиган фаолиятдир. Бу талаблар бажарилмайдиган бўлса, экологик назорат органлари маъмурий жазо чораларини қўллашга,

экологик қонунчиликни қўпол равишда бузаётган хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйишга ҳақлидирлар.

Экологик экспертиза эса хўжалик қарорлари, улар фаолиятининг натижалари экологик талабларга, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш қоидаларига қанчалик мослигини дастлабки текширишдир. Экологик назоратдан фарқли ўлароқ, у экологик зарарли фаолият бошланмасидан аввал амалга оширилади. Экологик назоратнинг мақсадлари ҳамда вазифалари атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги давлат функциясининг умумий вазифаларига ҳамоҳангдир. Шу билан бирга, экологик назорат объектлари, шакллари ва усуллари ўзига хос жиҳатларга эгадир.

Атроф табиий муҳит ва табиат ресурслари мониторинги ҳамда экологик экспертиза экологик назорат билан чамбарчас боғлиқ, аммо улар бир хил бўлмаган функциялардир. Улар ҳам махсус вазифаларни бажаришга йўналтирилган, «ўз объектлари»га эга бўлган ҳамда махсус шакл ва усулларда амалга ошириладиган давлат функциясининг шакллари дир.

Давлатнинг экологик функциясини амалга ошириш шакллари сифатида экологик мониторинг, экологик назорат ва экологик экспертиза катта аҳамиятга эга бўлиб, давлатнинг экологик функциясини мустаҳкамлашга ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга ва уларни муҳофаза қилишга ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг экологик сиёсатини янада мустаҳкамлайди.

3. Қонун чиқарувчи ҳокимият органининг экологик функцияси

Жамият ҳаётининг ҳар қандай жабҳасида маълум вазифалар ва ҳаракатларни амалга ошириш учун, албатта, шу ҳаракатни амалга оширишни белгилаб берадиган ҳуқуқий асослар яратилган бўлиши лозим. Давлатнинг экологик функциясини амалга оширишда қонун чиқарувчи ҳокимият органи бўлмиш Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси алоҳида ўрин тутди.

Юридик адабиётда давлатнинг экологик функцияси билан боғлиқ ғоялар бундан йигирма йиллар аввалроқ билдирилган.

Мустақиллик туфайли турли соҳаларда ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар боис ушбу масаланинг нақадар долзарблиги, унда давлат органларининг ўрни катта эканлиги ҳам таъкидланган⁴⁹.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароити атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш вазифаларининг амалга оширилишини белгилаб берадиган ҳуқуқий пойдеворнинг, яъни қонунларнинг яратилишини тақозо этади. Қонунлар ёрдамида атроф табиий муҳит, фуқароларнинг қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқлари ҳимоя қилинади. Бунга қонун чиқарувчи олий ҳокимият органи ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг экологик функциясини амалга ошириш орқали эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг экологик функциясига оид ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари ва қонун ости норматив ҳужжатларида кўрсатилган. Буларга Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонунлари, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза

⁴⁹ Қаранг: *Мирхамидов М.* Органы государственного управления Республики Узбекистан. – Т., 1992. – С. 43.

қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ўрмон тўғрисида»ги, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ер кодекси, Ҳаво кодекси ва бошқа норматив – ҳуқуқий ҳужжатларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Бу каби қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш орқали давлат ўзининг экологик функциясини бажарса, уларда белгиланган қоидаларни бевосита амалга ошириш ва бажариш орқали ушбу функцияни мустаҳкамлайди. Ҳуқуқий адабиётда таъкидланганидек, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш каби давлат экологик сиёсати асосий йўналишларининг ҳуқуқий асосини яратиш, экологик қонун ҳужжатларини амалиётга самарали татбиқ этиш, экологик муаммоларни ҳал этишда жамият, давлат ва ҳуқуқнинг барча воситаларини жалб қилиш билан боғлиқ фаолият туркуми парламентнинг экологик функциясини ташкил этади⁵⁰. Берилган ушбу таърифда Олий Мажлиснинг экология соҳасидаги фаолиятининг барча қирралари қамраб олинмаган. Чунки, Олий Мажлис, қонун қабул қилиш билан бирга, уларнинг бажарилиши устидан парламент назоратини ҳам олиб боради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Олий Мажлиснинг экологик функцияси деганда, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат экологик сиёсатининг устун йўналишларини белгилаш, экологик қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш, уларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳамда бу қонунларнинг бажарилиши устидан парламент назоратини амалга ошириши тушунилиши лозим. Давлатнинг экологик функциясини белгилашда Ўзбекистон Республикасининг

⁵⁰ Қаранг: *Файзиев Ш. Х.* Ўзбекистон Республикаси парламентининг экологик функциясини такомиллаштириш масалалари // Ўзбекистон Парламенти: бугуни ва истикболи: Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. – Т., 2002. – Б. 61.

Конституцияси муҳим ўрин тутди. Унга кўра, табиат бойликлари умуммиллий бойлик бўлиб, улар давлат муҳофазасидадир (55-модда). Бундан ташқари, Конституцияда Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг экологик функциясини ифодаловчи бир қатор ҳуқуқий қоидалар ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг экологик функциясини белгилашда экологик қонунлар алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу қонунларда давлатимизнинг олий ҳокимият органи ҳисобланган Олий Мажлиснинг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари кўрсатилган. Шундай қонунлар жумласига биринчи навбатда Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунини киритиш мумкин. Ушбу қонуннинг иккинчи боби «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари»га бағишланган бўлиб, унинг 7-моддасида бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш ваколатлари ўз аксини топган.

Мазкур 7-моддада кўрсатилишича, Олий Мажлиснинг экологик функцияларига қуйидагилар киради: табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш; давлат экология дастурларини тасдиқлаш; табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги республика қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш; ҳудудларни фавқулодда экология ҳолати, экология офати ва экология фалокати минтақалари деб эълон қилиш, бундай минтақаларнинг ҳуқуқий режимини ва жафо кўрганларнинг мақомини белгилаш; табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли қонунлар ижросини мувофиқлаштириб бориш; табиий ресурслардан

фойдаланганлик учун ҳақ олишнинг энг кам-кўп ҳажмини, шунингдек, тўловларни ундириб олишдаги имтиёзларни белгилаш ва бошқалар.

Демак, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишда Олий Мажлиснинг ўрни алоҳида бўлиб, у табиий муҳитни сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаш, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларнинг уйғунлигини таъминлаш, фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашга қаратилгандир.

Ваҳоланки, Олий Мажлиснинг ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш, давлат дастурларни тасдиқлаш, шу соҳадаги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишдаги ваколатлари алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабдан, юқорида санаб кўрсатилган қонун ҳужжатларида Олий Мажлиснинг функционал ваколатлари белгиланган қоидалар ўрнатилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Олий Мажлис ўзининг экологик функциясини бажаришда Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонунларига⁵¹ асосланади. Ушбу қонунларда Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси республикада қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи олий давлат вакиллик органи эканлиги, у Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ўз ваколатига берилган ҳар қандай масалани ўз муҳокамасига қабул қилиш ҳуқуқига эгаллиги, Конституция ва бошқа қонунларни қабул қилиш ҳамда уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, Вазирлар Маҳкамасининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат

⁵¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2002. – № 24

стратегик дастурларини қабул қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ва вазифасидан озод этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталарини ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ва тугатиш ҳақидаги фармонларини тасдиқлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш, халқаро шартномаларни ва битимларни ратификация ва денонсация қилиш ваколатига эга эканлиги кўрсатилган.

Таҳлил этилган қонунлар ва қонун ости норматив ҳужжатлари шундан далолат берадики, Олий Мажлиснинг экологик функцияси қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширилади: *биринчидан*, экологик қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва қабул қилиш; *иккинчидан*, қабул қилинган қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш.

Экологик қонун ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг муҳим вазифаси бўлиб, республикамиз мустақилликка эришганидан кейин қисқа бир даврда экология соҳасига доир 30 га яқин махсус қонунлар ва ўнлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва шу соҳадаги кўплаб халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди. Қабул қилинган қонунлар асосан экологик инқирозни бартараф этиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, фуқароларга қулай табиий муҳит яратишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг экологик функцияси қонунларнинг бажарилишини назорат қилишда ҳам намоён бўлади. Экологияга доир қонун ҳужжатларининг амалиётда қўлланилиши, бажарилишини таҳлил этиш Олий Мажлис фаолиятининг муҳим ва ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Экологияга доир қонун ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси,

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, ҳокимликлар, корхона, муассаса, ташкилотлар томонидан қандай ижро этилаётганлигини Олий Мажлис палаталарининг тегишли қўмиталари доимий равишда назорат қилиб боради.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарали ва изчил амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонун чиқариш ва қабул қилиш фаолияти алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу фаолият, хусусан, экологик муаммоларни муваффақиятли ҳал этишга, экологик хавфсизликни таъминлашга, республикаимиз фуқароларининг қулай табиий атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва кафолатлашга хизмат қилади.

4. Ижро этувчи ҳокимият органларининг экологик функцияси

Давлат экологик функциясининг бевосита амалиётда бажарилишида ижро этувчи давлат ҳокимияти органлари муҳим ўрин тутади. Улар табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини, давлат экология дастурларини, табиатни муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатларини жойларда бевосита ижро этувчи ҳокимият органлари ҳисобланади.

Экология соҳасида давлат функциясини амалга оширувчи ижроия ҳокимият органларининг тизимини Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, вилоят ва туман ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Саноат, кончилик ва коммунал-маиший секторларда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси кабилар ташкил этади.

Ижро этувчи давлат ҳокимияти органларининг экология соҳасидаги ваколатлари қуйидаги қонунларда ўз аксини топган: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги, «Маҳаллий ҳокимият органлари тўғрисида»ги, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ўрмон тўғрисида»ги, «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонунларида, Ер кодекси, Ҳаво кодекси ҳамда экология

соҳасидаги давлат функциясини амалга оширувчи вазирликлар, давлат кўмиталарининг низомларида белгиланган.

Экология соҳасидаги давлат функцияси ижро этувчи органларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилишни ва табиатдан фойдаланишни ташкил қилишида намоён бўлади. Ушбу функцияни ташкил этиш асосида инсон учун атроф табиий муҳитни яхшилаш, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш мақсадлари туради.

Давлатнинг экологик функцияси орқали ижроия органлари, табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнини ташкил этадилар ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқини амалга оширадилар. Давлат бошқарув органларининг ижроия фаолияти ушбу органларнинг ижроия ҳокимиятига тааллуқлилигидан келиб чиқиб, қонунчилик ва вакиллик органларининг қарорларини амалга оширишга қаратилган бўлади. Экология соҳасида давлат бошқаруви органларининг ижро этиш ва фармойиш бериш фаолияти табиий ресурслар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини таъминлашга қаратилгандир.

Ижроия органларининг экология соҳасидаги давлат функциясини амалга оширишлари қуйидаги принципларга асосланган:

1) бошқарувнинг қонунийликка асосланиши, яъни давлат бошқарув органларининг экологик муносабатларни тартибга солишда фақат қонун ҳужжатларида белгиланган ваколат доирасида ҳамда ҳуқуқлар асосида фаолият юритиши;

2) тармоқ ва ҳудудий бошқарувни мувофиқлаштиришга, яъни экологик муносабатларни тартибга солишда давлат органларининг фаолияти ҳам ҳудуднинг ривожланишини, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг таъминланиши;

3) экология масалаларини ҳал қилишда ҳар томонлама ёндашиш, яъни республика халқ хўжалиги ва аҳолининг табиий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминлаш.

4) Экология соҳасида давлат бошқарувини ташкил этишда табиий ресурслардан фойдаланиш ва назорат қилишни ажратиш, яъни экология соҳасида табиий ресурслардан бевосита фойдаланувчилар назорат қилиш ваколатига эга бўлмаслигида, экология соҳасида давлат бошқаруви органларини шакллантириш ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил қилишда фойдаланиш ва назорат қилиш ваколатларини тартибга солиш.

Экология соҳасидаги давлат функциясини ижро этувчи ҳокимият органлари маълум бир шакл ва усулларда амалга оширадилар. Ҳуқуқ ижод қилиш, ижроия ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ушбу функциянинг шакллари дир. Ижроия органлари ҳуқуқ ижод қилиш йўли билан қабул қилган норматив ҳужжатларда, қонунларда белгиланган қоидаларни янада ривожлантириб, ижтимоий муносабатларни батафсил тартибга солувчи қоидаларни белгилайдилар. Масалан, Ер кодексининг ва «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонуннинг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 543-сонли қарори билан тасдиқланган. «Давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида»ги низом, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси тасдиқлаган ва Адлия вазирлиги 1999 йил 27 майда 736-сон билан давлат рўйхатига олган «Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома билан тартибга солинади.

Давлат бошқарув органларининг ижроия фаолияти қонун ҳужжатларини амалга ошириш бўйича амалий фаолият ҳисобланади. Масалан, ер участкаларини жойида ажратиб бериш, ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этишни назорат қилиш ва ҳоказо.

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш қоидалари бузилган тақдирда айбдор экология соҳасидаги давлат бошқарув органлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти орқали шахсларни жиноий, маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортиш масаласини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ёки ушбу шахслар ишлайдиган ташкилот маъмуриятининг олдига қўядилар. Агар экологик назорат органлари маъмурий жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга бўлсалар, суд органларида атроф табиий муҳитга етказилган зарарни ундириш бўйича даъво аризаларини кўзгатадилар, табиий ресурслардан фойдаланувчиларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширадилар.

Экология соҳасида давлат функциясини амалга оширадиган ижроия органларнинг доираси кенгдир. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, экология соҳасида давлат функциясини амалга оширадиган органлар умумий ва махсус ваколатга эга бўлган давлат органларига бўлинади.

Умумий ваколатга эга бўлган органлар қаторига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари киради. Вазирлар Маҳкамасининг экология соҳасидаги ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида (98-моддаси), «Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги 2003 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинган қонунида, Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 9-моддасида ҳамда табиатни муҳофаза қилишга қаратилган бошқа қонунларнинг тегишли моддаларида белгиланган.

Олий ижроия органи ҳисобланган Вазирлар Маҳкамаси табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича норматив ҳужжатлар (қарор, низом, қоида ва тартиблар) қабул қилади;

табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади; табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширишни ташкил этади; табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқлар ва тўловлар миқдорини белгилайди; атроф табиий муҳит мониторинги, табиий ресурслар давлат кадастрларининг юритилишини ташкил қилади; махсус ваколатга эга бўлган давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради; давлат экологик назоратини ташкил этади; ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланишга, шу жумладан ижарага беради, ер участкаларига бўлган ҳуқуқни бекор қилади; ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқини беради ва уни бекор қилади, ер ости бойликларидан фойдаланишнинг лицензиялаш тизимини ташкил этади; фойдали қазилмалар рўйхатини белгилайди; экологик жиҳатдан танг вазиятлар, табиий офатлар ва фалокатларнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқади; табиий офатлар ва йирик аварияларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирларини амалга оширади; экология соҳасида халқаро алоқаларни йўлга қўяди.

Экология соҳасида давлат функциясини амалга оширувчи маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимият органлари тўғрисида»ги қонунида (10, 24, 25-моддалари), «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда (10-модда) ва табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа қонунларнинг тегишли моддаларида белгиланган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ҳудудларида экология соҳасида давлат бошқарувининг қуйидаги ваколатларини амалга оширадилар: минтақада (ҳудудда) табиатни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини белгиладилар, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг ҳудудий дастурларини тасдиқладилар;

атроф табиий муҳитга зарар етказаётган объектлар фаолиятини вақтинча ёки бутунлай тўхтатиш ва қайта ихтисослаштириш тўғрисида қарорлар қабул қиладилар; фойдаланишни ташкил қилиш мақсадида табиий ресурсларни тақсимлайдилар (ер участкаларини – эгаликка, фойдаланишга ёки ижарага, сув объектини танҳо фойдаланишга, ўсимлик дунёсидан пичан ўриш ёки мол боқиш учун, аҳоли пунктларида дарахтлар кесиш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқини берадилар) ва шундай фойдаланиш ҳуқуқларини бекор қиладилар; атроф табиий муҳит мониторинги, табиий ресурслар давлат кадастрлари юритилишини ташкил этадилар; табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширадилар.

Экология соҳасида давлат бошқарувини амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органларига вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралари киради. Уларнинг фаолияти асосан экологик муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, махсус ваколатли органлар деб номланадилар. Улар тармоқлараро, яъни бир неча тармоқларни ва бир неча табиий ресурсларни идора этувчи органларга ҳамда тармоққа оид, яъни маълум бир табиий ресурсни идора этувчи органларга бўлинади.

Экология соҳасида давлат функциясини бажарувчи махсус ваколатли органлар ичида марказий ўринни Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси эгаллайди. Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелдаги қарори билан тасдиқланган Низомга⁵² мувофиқ табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат назоратини ҳамда тармоқлараро бошқарувни амалга оширувчи, идоралардан устун турувчи ҳамда мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органдир. Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат

⁵² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1996. – № 5–6. – 70-модда.

қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига бўйсунди ва унга ҳисобдордир.

Табиатни муҳофаза қилиш, давлат қўмитаси юқорида кўрсатилган Низомга асосан ўз ваколатлари доирасида:

– атроф муҳитни муҳофаза қилишда иқтисодий усулларни кенг қўллаш, ресурсларни тежайдиган, камчиқит ва чиқитсиз технологияларнинг барча жойларда қўлланилишини рағбатлантириш, экология соҳасига фан-техника ютуқларини жорий этиш асосида табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини комплекс бошқаради;

– табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш юзасидан республика экологик нормативлар, қоида ва стандартларни тасдиқлайди,

– атроф муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш (оқизиш) нормативларини белгилайди ҳамда табиатдан фойдаланувчилар эътиборига етказади;

– давлат экологик экспертизасини ўтказади;

– атроф муҳит ифлосланишининг аҳволи ва унга бошқача зарарли таъсирлар, табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларнинг республика ягона экологик ахборот банкини ташкил этади ва юритади;

– республикада кўриқхоналарга доир ишларга раҳбарлик қилади, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳамда ҳайвонот дунёсининг давлат кадастрини юритишда қатнашади;

– экологик ташвиқотни амалга оширади, экологик таълим ва тарбияни ташкил этиш ҳамда юритишда иштирок этади;

– ифлослантирувчи моддаларни атроф муҳитга чиқариб ташлаш ва оқизиш, чиқиндиларни жойлаштириш ва кўмиш, сувдан махсус фойдаланишга, ов қилиш ва балиқ тутишга рухсатномалар беради, ёввойи доривор гиёҳлар, озука ўсимликлари ва манзарали ўсимликларни, техникавий хомашё ва бошқа табиий ҳосилаларни (шу жумладан мумиёни)

йиғиш (тайёрлаш), уларни республика худудидан олиб чиқиш ва республикага олиб кириш ҳуқуқини беради;

– табиатни ифлослантирганлик ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаганлик натижасида унга етказилган зиённи қоплаш тўғрисида юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан даъво қўзғатади;

– банк муассасаларига экологик қонун ҳужжатларини бузган ҳолда иш олиб борилаётган саноат ва бошқа объектларни лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш ёки кенгайтириш ишларини маблағ билан таъминлашни тўхтатиш тўғрисида тақдимнома киритади;

– экологик қоидаларга амал қилмай иш олиб борилаётган саноат ва бошқа объектларни лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш ёки кенгайтиришни тақиқлайди, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ишини тўхтатиб қўяди;

– экологик талабларга риоя этмаган шахсларни маъмурий жавобгарликка тортади, зарурат бўлганида ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этади;

– табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан белгиланган ҳолларда ва тартибда давлат назоратини олиб боради ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Экология соҳасида давлат бошқарувини амалга оширишда махсус ваколатли давлат органи бўлган Ер ресурслари давлат қўмитаси катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси республика Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги фармони билан ташкил этилган бўлиб, унинг низоми Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги 483-сонли қарори билан тасдиқланган. Ушбу орган ер мониторингини амалга оширади, давлат ер кадастрини юритади; ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олади, ер ресурсларининг давлат ҳисобини олиб боради, ердан оқилона

фойдаланиш ва унинг муҳофаза этилиши устидан давлат назоратини олиб боради; ер тузиш ишларини ташкил этади ва бошқа ваколатларни амалга оширади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Саноат, кончилик ва коммунал – маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 9 июлдаги фармониға мувофиқ, фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ва у билан боғлиқ бўлмаган ер иншоотларининг қурилиши ва улардан фойдаланиш учун кон ажратиш хужжатларини беради; ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини олиб боради.

Ер ости бойликлари, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, бошқариш ҳамда бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги 2002 йил 13 декабрда⁵³ қабул қилинган қонунда батафсил кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 26 ноябрдаги 419-сонли қарори билан тасдиқланган низомиға мувофиқ, давлат сув ҳисобини ва давлат сув кадастрини ер ости сувларининг истеъмол қилиш қисмида юритади, сувдан фойдаланишни режалаштиришда қатнашади, сувдан лимитли фойдаланиш бўйича шартномалар тузади; сунъий сув ҳавзалари ва каналлардаги сувдан фойдаланиш устидан давлат назоратини олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ичимлик сувларнинг ифлосланиши устидан санитария назоратини, атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

⁵³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2003. – № 1. – 5-модда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати (ЙХХДХ) атмосфера ҳавосининг ифлосланиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Умуман олганда, экология соҳасидаги давлат функциясини бажарувчи ижроия органлари қуйидаги ваколатларни амалга оширадилар:

– табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича норматив ҳужжатларни қабул қилиш орқали давлат органлари қонун ва ҳукумат қарорларидаги қоидаларни янада ривожлантирувчи ва муфассаллаштирилган идоравий норматив ҳужжатларни қабул қилиш;

– атроф табиий муҳитнинг муҳофаза қилинишини таъминловчи нормативларни қабул қилиш. Буларга: сувда ифлослантирувчи моддаларнинг йўл қўйиладиган даражада тўпланиши; атмосфера ҳавосида ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларнинг йўл қўйиладиган даражада тўпланиши, физикавий омиллар атмосфера ҳавосига акустик, электромагнит, ионлаштирувчи ва бошқа зарарли таъсир кўрсатишнинг йўл қўйиладиган даражалари киради;

– экологик стандартлаш орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экологик талабларга жавоб беришини аниқлаш. Ўзбекистон Республикаси «Стандартлаш тўғрисида»ги⁵⁴ қонунининг 8-моддасида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги стандартлаш органлари сифатида белгиланган бўлиб, улар экологик стандартлашни амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикасининг «Сертификациялаш тўғрисида»ги⁵⁵ ва «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, экологик сертификациялаш сертификация қилинадиган маҳсулотнинг белгиланган экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш борасидаги фаолиятдир. Ушбу

⁵⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг ахборотномаси. – 1994. – № 2. – 46-модда.

⁵⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1999. – № 5. – 124-модда.

қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, экология соҳасидаги давлат органлари ва бошқа юридик шахслар экологик сертификат олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси томонидан аккредитациядан ўтадилар ва ушбу фаолиятни амалга оширишга рухсат оладилар.

Табиий объектлар тўғрисида маълумот тўплаш мақсадида, давлат органлари уларнинг давлат ҳисобини амалга оширадилар. Ушбу ваколат орқали табиий объектларнинг сон ва сифат кўрсаткичлари, яъни уларнинг миқдори, тарқалганлиги, жойлашган жойи ва бошқа тавсифлари аниқланади. Табиий объектларнинг давлат ҳисоби табиий объектларнинг мониторинги (уларни кузатиш), инвентаризация қилиш ёки фойдаланишни рўйхатга олиш йўли билан амалга оширилади.

Табиий ресурслар давлат кадастрларини юритишдан мақсад табиий объектлар ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш, уларнинг ҳолатини аниқлашдан иборат. Табиий объектларнинг миқдори ва сифати, уларнинг ҳуқуқий, табиий, хўжалик ҳолати, фойдаланиш даражаси тўғрисидаги маълумотлар тизими табиий объектлар кадастрлари деб номланади. Табиий объектлар кадастрлари ҳар бир табиий объект юзасидан алоҳида юритилади ва уларни юритиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади. Масалан, давлат ер кадастрини юритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг⁵⁶ 15-моддаси, «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги⁵⁷ қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 543-сонли қарори билан тасдиқланган давлат ер кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низоми ва Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси 1999 йил 30 мартда тасдиқлаган ва Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 27 майда 736-рақам билан рўйхатга олинган

⁵⁶ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. – № 5–6. – 82-модда.

⁵⁷ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. – № 9. – 165-модда.

«Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома қўлланилади.

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш чоғида фойдаланувчилар, давлат органлари ва бошқа шахслар ўртасида келиб чиқадиган низоларни ҳал қилишда давлат органлари қатнашадилар. Табиий ресурсларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи қонунларда ушбу низоларнинг ҳал қилиниши масаласи турлича ёритилган. Масалан, Ер тўғрисидаги кодекснинг 89-моддасида ер тўғрисидаги низолар фақат суд органлари томонидан ҳал этилиши белгиланган, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 85-моддасида эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек сувларни идора этувчи махсус ваколатга эга бўлган органлар сувдан фойдаланишга доир низоларни ҳал қилувчи органлар сифатида белгиланган.

Юқорида қайд этилган ваколатлардан ташқари, алоҳида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларнинг муҳофазаси бўйича давлат бошқаруви органлари махсус ваколатларни амалга оширадилар. Масалан, қонун ҳужжатларида сувлар зарарли таъсирининг (сув тошқини, зах босиши кабиларнинг) олдини олиш, ўрмонларни қайта кўпайтириш, ерларнинг мелиорациясини ташкил этиш кабилар кўзда тутилган.

Юқоридагилардан ҳам кўришиб турибдики, ижро этувчи ҳокимият органлари экологик функцияларининг қонун асосида амалга оширилиши ва ушбу органларнинг табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишга доир тегишли ваколатларга эга бўлиши давлатнинг экологик функциясини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

5. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларининг экологик функцияси

Экология соҳасидаги давлат функциясини амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд ҳокимияти органлари алоҳида ўрин тутадилар. Суд ҳокимияти табиатни муҳофаза қилишга қаратилган давлат функциясини бажаришда алоҳида мавқега эга. Бу функцияни судлар Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонуни ва Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Жиноят, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари ва бошқа қонунларига асосланиб амалга оширадилар.

Атроф табиий муҳитни суд ҳокимияти орқали ҳимоя қилиш қўйидаги йўллар билан мустаҳкамланади: а) ҳуқуқни тан олиш; б) ҳуқуқ бузилғунига қадар мавжуд бўлган ҳолатни тиклаш; в) ҳуқуқнинг бузилишига хавф туғдирадиган ёки ҳуқуқни бузадиган ҳаракатларнинг олдини олиш ва бундай ҳаракатларга чек қўйиш; г) мажбуриятини натура шаклида бажаришга мажбур этиш; д) етказилган зарарни, неустойка (жарима ва пеня)ларни ундириш; е) ҳуқуқнинг бузилишини тўхтатиш ёки тугатиш) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда давлат бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган ва амалдаги қонунчиликка зид бўлган норматив ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш ва бошқалар.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган давлатнинг экологик функцияси асосан умумий судлар орқали амалга оширилади. Улар экологик ҳамда маъмурий қонунлар, фуқаролик ва жиноят қонунчилигининг талаблари бузилган ҳолатларда ўз вазифаларини бажарадилар. Умумий судлар томонидан кўриб ҳал қилинадиган ишларнинг асосий қисмини атроф табиий муҳит муҳофазасига салбий таъсир этадиган маъмурий ва жиноят ишлари ташкил этади.

Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг VIII бобида

ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга келтириш; вақтинча эгаллаб турилган ерларни ўз вақтида қайтариб бермаслик ёки уларни ўз ўрнида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтирмаслик; ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш талабларини бузиш; сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш; ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш; дарахтлар, буталар, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш; Қизил китобга киритилган ўсимликларни йиғиш; алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тартибини бузиш; ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юбориш; ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузиш; ифлослантирувчи моддаларни атмосферага нормативдан ортиқ даражада ёки рухсатсиз чиқариб ташлаш ҳамда атмосфера ҳавосига зарарли физик таъсир кўрсатиш; атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш иншоотидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, шунингдек ундан фойдаланмаслик; атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик;⁵⁸ ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва қўллаш қоидаларини бузиш; ов қилиш, ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш қоидаларини бузиш; саноат, рўзғор чиқиндиларини ташиш, жойлаштириш, утиллаштириш, кўмиб ташлаш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш; ноёб ҳайвонларни йўқ қилиб юбориш каби маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари содир этилганида қўлланиши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XIV бобидаги экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш; атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасдан яшириш ёки бузиб кўрсатиш; атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик; атроф табиий

⁵⁸ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т.: Адолат, 2005. 65, 67, 70, 72, 77, 79, 82, 86, 88-моддалар.

муҳитни ифлослантириш; ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш; экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш; ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандаларига қарши кураш талабларини бузиш; ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш; зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш; алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тартибини бузиш каби жиноятлар⁵⁹ содир этилганида судлар ўз ваколатлари доирасида ўз зиммаларига юклатилган давлат функциясини амалга оширишга ҳам киришадилар.

Судлар ўз функцияларини процессуал ҳаракатларни бажариш орқали амалга оширадилар. Судлар амалга оширадиган процессуал ҳаракатларга мисол сифатида маъмурий ёки жиноий ишни тергов қилиш (суд тергови), далилларни тўплаш, текшириш ва дастлабки тартибда баҳолаш, айб қўйиш, айбни фош этиш, ҳуқуқни бузувчи хатти-ҳаракат сабабларини аниқлаш ва унга чек қўйиш чора-тадбирларини белгилаш, ҳимоялаш, ишни судда кўриш, ҳукм чиқариш кабиларни келтириш мумкин.

Давлатнинг экологик функциясини бажаришда ички ишлар органлари ҳам муҳим ўрин тутди. Ички ишлар органларининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги функцияси деганда, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунчиликни қўллаш, экологик ҳуқуқбузарликлар сабабини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ёки уларни бартараф этиш қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш фаолияти тушунилади. Ички ишлар органларининг ушбу соҳада амалга оширадиган ишлари ва мажбуриятларига қуйидагилар киради:

– мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча мулк шаклларини муҳофаза қилиш;

⁵⁹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: Адолат, 2004.

– йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга тааллуқли нормативлар ва ҳаракатланиш хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш;

– жамоат тартибини, шу жумладан экологик тартибни муҳофаза қилиш;

– карантин, санитария ва экология тадбирларида иштирок этиш.

Ички ишлар органларига техник ҳолати атроф муҳитга хавф туғдирадиган транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқлаб қўйиш ҳуқуқи берилган. Шунингдек, ички ишлар органларига наркотик моддалар олинадиган ўсимликлар ёввойи ҳолда ўсиб ётадиган далаларга, балиқларнинг қимматбаҳо турлари яшайдиган ва увулдирик ташлайдиган сув ҳавзаларининг бўйларига, миллий боғлар ва давлат кўриқхоналарининг ҳудудларига, тегишли ижроия органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари бўйича, назорат пунктлари ўрнатиш ҳуқуқи ҳам берилган.

Ички ишлар органлари тизимида йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги давлат хизмати (ЙҚХДХ) ҳам муҳим экологик функцияларни адо этади. Атмосфера ҳавосининг ҳолатини назорат қилиб бориш, атмосфера ҳавосининг транспорт воситалари чиқарадиган газлардан ифлосланишининг олдини олиш, шовқинга қарши кураш, ҳаракатланиш воситалари, автотранспорт корхоналари чиқарадиган ҳар хил мойлар, бензин, нефть қолдиқлари билан сув ҳавзаларининг ифлосланишига йўл қўймаслик уларнинг функциялари қаторига киради⁶⁰.

Ички ишлар органлари шартнома асосида давлат аҳамиятига эга бўлган объектлар, корхона, ташкилот ва муассасалар, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкларини кўриқлаши мумкин. Муҳофаза қилиниши лозим бўлган объектлар рўйхатида сув омборлари, балиқ захиралари, ўсимликлар, боғлар, кўриқхоналар, табиат ёдгорликлари ва бошқалар ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

⁶⁰ Қаранг: Маллаев Н. Атмосфера ҳавосида муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари// Хўжалик ва ҳуқуқ. 2001, №29-31 б.

Ички ишлар органларининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолияти маълум ташкилий-ҳуқуқий шаклларда амалга оширилади. Фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари давлат органлари юридик ваколатларининг махсус шаклларда амалга оширилишидан иборат. У турли ҳуқуқий ҳаракатларни амалга оширишда намоён бўлади.

Ички ишлар органларининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари аниқлашга ҳаракат қилаётганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти қандай мустақил турларга эга бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрдан четлашиш лозим. Қуйидагиларни шундай мустақил турлар деб аташ мумкин: а) назорат-текширув фаолияти; б) ҳуқуқ нормаларининг ижро этилишини таъминлаш борасидаги фаолият (ҳуқуқни таъминлаш); в) ҳуқуқбузарликларга доир ишлар ва ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиш борасидаги фаолият; г) ижро бўйича фаолият (давлат мажбурловини амалга ошириш). Назорат-текширув фаолиятини назорат ҳамда текширув сифатидаги алоҳида-алоҳида ташкилий ҳуқуқий шакллар кўринишида ва ҳуқуқ нормаларининг ижросини таъминлаш борасидаги фаолиятини эса тегишли органлар билан ҳамкорлик фаолияти сифатида берган маъқулроқ, чунки уларнинг моҳияти айнан бир хилдир.

Ички ишлар органларининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятининг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакллари қуйидагилар деб кўрсатиш мумкин:

- экологик назорат;
- экологик ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш (тезкор кидирув фаолияти ҳам шунга киради);
- табиатни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик;
- муҳофазанинг шартномавий шаклидан иборат бўлган фаолият.

Ички ишлар органлари амалга оширадиган экологик назорат (контроль) табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси органлари амалга оширадиган назоратдан (контролдан) тубдан фарқ қилади. Табиатни муҳофаза қилиш

давлат кўмитаси учун экологик назорат асосий функциядир, ички ишлар органлари учун эса бошқа функциялар устунлик қилади. Бундан ташқари, ички ишлар органларининг экологик назорат соҳасидаги имкониятлари анча чекланган. Биринчидан, ички ишлар органлари атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасидаги назоратни фақат таъминлаб берадилар, яъни уни амалда бажарса бўладиган, имкони бор фаолиятга айлантирадилар, уни бажариш йўлидаги тўсиқларни олиб ташлайдилар. Бу эса назоратни ички ишлар органларининг ўзлари ўтказишини англатади. Улар табиатни муҳофаза қилиш органлари назорат функцияларининг нормал бажарилишини кафолатлайдиган чораларни кўрадилар. Иккинчидан, шундай ҳамкорлик ҳам аҳён-аҳёнда амалга оширилади. Учинчидан, ички ишлар органлари экологик назоратни амалга оширадиган табиат объектларининг доираси тор бўлади.

Ички ишлар органлари атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш борасида, шунингдек санитария ва ветеринария қоидаларига риоя қилиниши устидан ҳам назорат олиб борадилар. Ички ишлар органларининг ушбу соҳадаги назорати ҳуқуқий ҳамда ташкилий шаклларда намоён бўлади.

Қандайдир ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарадиган назорат ҳаракатлари экологик ҳуқуқбузарликни топиш ва уни қайд қилишдан иборат. Шу аснода маълумотнома (баённома) тузилади, ҳуқуқбузарликнинг оқибатлари, ҳуқуқбузарнинг шахси аниқланади, ноқонуний тарзда қўлга киритилган маҳсулот, ҳуқуқбузар ишлатган ноқонуний қурол-аслаҳалар ҳамда воситалар олиб қўйилади. Юридик аҳамиятга эга бўлмаган амалий хатти-ҳаракатларга турли рейдлар, қўриқлаш хизмати, турли постлар ташкил этиш ва бошқалар киради.

Ички ишлар органлари атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасидаги назоратни, қоида бўйича, табиатни муҳофаза қилувчи органларини жалб этган ҳолда амалга оширадилар. Шу йўл билан ўтказилаётган тадбирларнинг самарали бўлишига эришилади, чунки ички ишлар органлари ов қилиш,

балиқ овлаш ҳамда ўрмондан фойдаланиш қоидаларини бузган шахсларга жарима солиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган назорат прокурор назоратидан фарқ қилишини таъкидлаб ўтиш лозим. Биринчидан, прокуратура назоратига олинадиган субъектларга, қоида бўйича, корхона, муассаса ва ташкилотлар, шунингдек, мансабдор шахслар киради, ички ички ишлар органлари эса ўз назоратларини жисмоний шахсларга, масалан, браконьерлик билан шуғулладиган оддий фуқароларга нисбатан амалга оширадилар. Иккинчидан, прокуратура органлари ИИБ органларининг назоратига хос бўлган постлар қўйиш, патруллик қилиш, рейдлар ўтказиш каби ташкилий шаклларни камдан-кам ишлатадилар. Ўзлари эса, албатта, экологик ҳуқуқбузарликлар содир этиладиган жойларда текшириш органлари билан биргаликка қўшма текширувларда иштирок этадилар. Учинчидан, прокуратура ҳамда ички ишлар органлари томонидан экологик назорат пайтида ҳуқуқбузарларга нисбатан қўлланиладиган ташкилий-ҳуқуқий воситалар ҳам турличадир. Прокуратура органлари қуролларни, ноқонуний равишда қўлга киритилган ўлжаларни, ов қилиш ва балиқ овлаш қуролларини олиб қўйишга ҳақли эмасдирлар. Бу ишларни ички ишлар органларининг ходимлари амалга оширадилар.

Ички ишлар органларининг атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасидаги назорати бир қанча йўналишларда амалга оширилади:

- 1) ёввойи ҳайвонлари муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат;
- 2) сув ҳайвонларини муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат;
- 3) наботот оламини муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат;
- 4) сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат;
- 5) аҳоли пунктларидаги атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишдаги ички ишлар органлари иштирокининг яна бир шакли табиатни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилишдир. Бундай ҳамкорлик деганда, ички ишлар органлари томонидан табиатни муҳофаза қилиш органларининг тегишли мансабдор шахслари ўз хизмат вазифаларини бажаришлари учун имкон яратадиган шарт-шароитларни яратиш борасида кўриладиган чоралар англашилади. Табиатни муҳофаза қилиш органлари, шу жумладан атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасидаги ихтисослаштирилган инспекциялар ижтимоий муносабатларнинг маълум соҳасида қоидаларга риоя қилинишини таъминлашга йўналтирилган (масалан, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат инспекцияси – ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш борасидаги муносабатлар соҳасида уларнинг имкониятлари ходимларга берилган ваколатлар билан чекланади).

Ички ишлар органлари фавқулодда экологик вазиятларда, масалан, баъзи ҳудудлар радиоактив моддалар билан зарарланганида катта ёрдам кўрсатишлари мумкин. Жумладан, кемирувчи ҳайвонлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетганида, эгасиз итлар, мушуклар, уй паррандалари ва бошқа ҳайвонлар пайдо бўлганида, ахлатхоналар ва уларнинг атрофларига уйиб ташланган озиқ-овқат маҳсулотлари узоқ вақт олиб кетилмаганлиги сабабли, ачиб-бижғиб, турли касалликлар келтириб чиқариш хавфини туғдирганида турли эпидимияларга қарши тадбирлар ўтказилади; радиация, яъни нурланиш хавфи юқори бўлган ҳудудларда одамларнинг ва транспорт воситаларининг чекланган ҳаракатини таъминлаш учун ҳимоя ва назорат-рухсатнома режимини ўрнатади; нурланган предметлар ва бузилган озиқ-овқат маҳсулотларининг ифлосланган ҳудудлардан олиб чиқиб кетилишига йўл қўймайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, ички ишлар органларининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятида бир қанча хусусиятлар кўзга ташланади. Булар қуйидагилардир:

биринчидан, ички ишлар органлари мустақил равишда табиат комплексларини, алоҳида табиат объектларини қўриқлаш функцияларини бажарадилар. Масалан, қўриқхоналар, заказниклар ва сув омборлари идоравий милиция бўлинмалари томонидан қўриқланади;

иккинчидан, ички ишлар органлари махсус ваколатли органларга ёрдам кўрсатадилар. Масалан, ички ишлар органлари ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузган шахсларни жаримага тортишга ҳақли бўлмасалар-да, ҳуқуқбузарни қўлга олиш, ноқонуний отилган ҳайвонларни ва ов қуролларини олиб қўйиш, материалларни эса ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилиш бўйича давлат инспекциясига ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Шу йўл билан ички ишлар органлари ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўртасида ҳамкорлик амалга оширилади. Бу эса қўшма тадбирлар режаларини тузиш имконини беради;

учинчидан, табиатни муҳофаза қилиш ишлари билан шуғулланадиган бошқа органлардан фарқли ўлароқ, ички ишлар органлари табиатни бевосита (амалда) қўриқлашда фаол иштирок этадилар, чунки улар жиноятчиларни қўлга оладилар;

тўртинчидан, ички ишлар органлари фақат текшириш ва назорат қилиш функцияларини эмас, балки хўжалик-ташкилий ишларини ҳам бажарадилар.

Ички ишлар органлари ўзларининг муҳофаза қилиш фаолиятларида қўйидаги усуллардан фойдаланадилар: бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, рухсатнома бериш (масалан, қурол олиб юришга рухсатнома бериш), нотўғри (ёлғон) кўрсатув берганлик учун юклатиладиган жавобгарлик хусусида огоҳлантириш, ушлаб туриш (қамоққа олиш), маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш ва бошқалар.

Давлатнинг экологик функциясини амалга оширишда прокуратура органлари ҳам муҳим ўринга эга⁶¹. Прокуратуранинг экологик функцияси

⁶¹ Батафсил маълумот олиш учун қаранг: Ўзбекистон Республикасининг

деганда, жамиятнинг экологик хавфсизлиги ва табиатдан фойдаланиш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги қонунлар ва қонуности ҳужжатларига риоя қилинишини назорат қилиш тушунилади. Ушбу ҳолат, албатта, прокуратуранинг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги бутун фаолиятини тўлиқ акс эттира олмайди, чунки прокуратура фақат назорат қилиш билан чекланиб қолмай, ўз фаолиятини турли йўналишларда олиб боради. Прокуратуранинг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолияти деганда, прокуратуранинг экологик назоратни амалга оширишини, экологик ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини аниқлашини, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича олиб борадиган фаолиятини тушунмоқ лозим.

Экологик қонунчиликни қўллаш механизмида прокуратура органларининг ўрни фуқаролар, мансабдор шахслар, жамоат ташкилотлари, маҳаллий маъмурият, барча назорат органлари, вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги қонунларнинг талабларига аниқ ва бир хилда риоя этишларини олий даражада назорат қилишда намоён бўлади.

Табиатни муҳофаза қилувчи прокуратуралар зиммасига уларга бириктириб қўйилган ҳудудларда табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан олий назоратни амалга ошириш вазифаси юклатилган. Шунингдек, бундай назорат муайян табиий объектларда, халқ хўжалигининг маълум соҳаларида, саноат ва бошқа хўжалик ҳудудларида ҳам амалга оширилади. Бундан ташқари, прокуратура органлари кўрсатиб ўтилган қонунлар бузилишини ўз вақтида бартараф этиш, уларни аниқлаш ва олдини олиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш, зарарни қоплатиш ва айбдорларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўришлари лозим.

Ўз хизмат бурчларини бажараётганларида табиатни муҳофаза қилувчи прокуратуралар ҳар қандай маҳаллий органлардан мустақилдирлар ва бош прокурорнинг буйруқлари, кўрсатмалари, йўл-йўриқлари, қонун ости ҳужжатлари ҳамда ўз низомларига амал қиладилар.

Зиммаларига юклатилган вазифаларга мос равишда табиатни муҳофаза қилувчи прокуратуралар қуйидаги йўналишларда фаолият кўрсатадилар:

1) юридик ва жисмоний шахсларнинг табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бажаришларини назорат қилиш;

2) табиатни муҳофаза қилувчи прокуратуралар кўзғатган ёки табиатни муҳофаза этувчи прокурорлар ички ишлар органларига текшириш учун оширилган ишлар бўйича ички ишлар органлари амалга оширадиган суриштирувни ҳамда дастлабки тергов жараёнида қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш;

3) табиатни муҳофаза этувчи прокурорлар кўриб чиқиш учун судга оширган жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари юзасидан судлар чиқарадиган ҳукмлар, қарорлар, ажримларнинг қонунийлиги ва асослилигини назорат қилиш.

Табиатни муҳофаза қилувчи прокурорлар табиатни муҳофаза қилишга доир қонунчилик ижросини ҳудудий ва транспорт прокурорлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар, маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари, табиатни муҳофаза қилиш органлари ва жамоатчилик билан мувофиқлаштирган ҳолда назорат қиладилар.

Республика Бош прокурори 1993 йил 11 октябрь куни тасдиқлаган «Орол табиатини муҳофаза қилиш прокуратураси тўғрисида»ги Низомга мувофиқ Орол табиатни муҳофаза қилиш прокуратурасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа объектларни режалаштириш, қуриш ва ишга туширишда табиатни муҳофаза қилишга қаратилган қонун бузилишларини ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш, аҳоли соғлиғига

зиён етказувчи, экология талабларига жавоб бермайдиган технология материалларини ҳамда моддаларини ишлатиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этишни бартараф этиш, Орол денгизини тиклаш билан шуғулланувчи ташкилот ва корхоналар фаолиятида қонунчиликка итоат этилишини мунтазам назорат қилиб бориш;

2) табиатни муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатларининг бир хилда бажарилишини, бу қонунларни бузганлик учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида назорат олиб бориш ва табиатни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорлик қилиш;

3) минтақада табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузишга қарши курашда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, ҳудудий ва бошқа прокуратуралар билан ҳамкорликда иш олиб бориш;

4) Оролбўйи минтақасида ижтимоий иқтисодий, санитария-эпидемиологик ва экологик аҳволни яхшилашга қаратилган муаммоларни ҳал этишга жалб этилган барча корхона, ташкилот, жамоа ва хўжаликлар фаолиятида қонунларга амал қилинишини назорат қилиб бориш, бунда асосий диққат эътибор табиатни муҳофаза қилишга мўлжалланган объектлар куриш ва шу билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш учун ажратилган маблағларнинг мақсадга мувофиқ сарфланишига қаратилмоғи лозим;

5) атмосфера ҳавоси, ер ва ер ости, ҳайвонот дунёси, заказниклар, кўриқхоналар, ўрмон ва ўсимликлар дунёси, табиий ёдгорликлар тўғрисидаги, корхона, ташкилотларнинг саноат ва хўжалик чиқиндиларини зарарсизлантириш ёки йўқ қилиш тартибини белгиловчи қонунлар бажарилишининг назорат қилинишини таъминлаш ва бошқалар.

Атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасидаги прокурорлик назоратини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

– барча жисмоний ва юридик шахслар томонидан, яъни атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви ва контроли органлари – кимга бўйсунуши, қайси идорага мансублиги ва

мулкчилик шаклидан қатъи назар – барча юридик шахслар, маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан экологик қонунчиликка риоя қилиниши устидан назорат;

– прокуратура томонидан кўзгатишган ёки текшириш учун ички ишлар органларига берилган материаллар бўйича ички ишлар органларининг суриштирув ҳамда дастлабки терговни амалга оширишларида экологик қонунчиликка риоя қилиниши устидан амалга ошириладиган назорат;

– прокуратура органлари томонидан кўриб чиқиш учун жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича судлар чиқарган ҳукмлар, қарорлар, ажримлар ва қарорларнинг қонунийлиги ва асослиги устидан амалга ошириладиган назорат⁶².

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги прокурор назорати иккита элементдан ташкил топади:

а) экологик қонун ва бошқа ҳуқуқий кўрсатмани қўллашни ҳамда орган (мансабдор шахс)нинг ҳаракатини қонунга мувофиқлик нуқтаи назаридан текшириш;

б) назорат жараёнида ёки унинг натижалари бўйича миқдори қонунда жуда чеклаб қўйилган махсус чораларни қўллаш.

Қонуннинг қўлланиши экологик ҳуқуқбузарлик фактлари хусусида прокуратурага келиб тушган хабарлар асосида текширилади. Ҳуқуқбузарликларга оид маълумотлар жуда хилма-хил ахборот манбаларидан, яъни аризалар, шикоятлар, хатлар, табиатни муҳофаза қилувчи органларнинг турли ҳужжатлари, шунингдек атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслар қўмиталари бошлиқларининг маърузаларидан олиниши мумкин. Бундан ташқари, маълумотлар оммавий ахборот воситалари, яъни газета ва журналлардаги мақолаларда, телевидение

⁶² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги 2001 йил 29 август қонуни (янги таҳрир) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – "2001. – № 9–10. – 168-м.

ва радиоэшиттиришларда ҳам эълон қилиниши мумкин. Прокурорнинг шахсий кузатувлари ҳам экологик қонунчиликнинг бузилишига доир маълумотларнинг манбаи бўла олади. Тўпланган маълумотлар асосида прокуратура органлари истиқболга мўлжалланган ҳамда чорак йиллик фаолият режаларини тузадилар. Уларда қандай масалалар бўйича қайси объектларда текширув ўтказилиши кўрсатилади.

Текширув самарали амалга оширилиши ҳамда барчани қамраб олиши учун прокуратура органларида ўз ходимларига ёрдам сифатида экологик қонунчиликнинг қўлланишини комплекс ҳамда махсус текширишлар бўйича методик тавсиялар ҳам ишлаб чиқилади. Текширув натижалари бўйича прокурор:

- протест киритади;
- қонун бузилишини бартараф этиш тўғрисида кўрсатма беради;
- жиноят иши кўзғатиш, интизомий жазо қўллаш ёки маъмурий жазо бериш тўғрисида қарор чиқаради, моддий зарарни қоплаш учун чоралар кўради;
- инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган, юридик шахслар ва давлат манфаатларига зарар етган ҳолларда ноқонуний ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб қўяди (қонун талаблари бундан мустасно);
- ман этиш ёки чеклаб қўйиш хусусиятига эга бўлган чораларни бекор қилади ёки олиб ташлайди;
- қонун бузилишини бартараф этиш тўғрисида ўша давлат органига ёки унинг мансабдор шахсига тақдимнома киритади.

Давлатнинг экологик функциясини амалга ошириш ва мустаҳкамлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, яъни адлия, ички ишлар, прокуратура ва суд ҳокимияти органларининг аҳамияти катта бўлиб, уларнинг мазкур соҳада олиб борадиган ишлари атроф табиий муҳит ҳамда экологик муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орқали амалга оширадиган экологик функциясини мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатади.

6. Давлат экологик функциясини ривожлантиришнинг халқаро ҳуқуқий асослари

Давлатнинг экологик функциясини ривожлантиришда халқаро ҳуқуқ нормалари алоҳида аҳамият касб этади. Табиат чегара билмайди деганларидек, давлат ўзининг экология соҳасидаги фаолиятини халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш асосида амалга оширади.

Дунёдаги ишлаб чиқариш жараёнлари жадаллашуви ва бунинг натижасида табиатга хавф солиниши туфайли XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб (асосан Ғарбий Европа давлатларида) «яшиллар ҳаракати» деб аталувчи ҳаракатлар вужудга келиши билан Европа давлатларидаги хавфли ишлаб чиқариш корхоналари бир қатор ривожланаётган давлатларга кўчирилиши сабабли бу муаммо минтақавий муаммодан глобал муаммога айлана бошлади. Шу боис атроф табиий муҳитни ҳимоя қилиш муаммосини, экологик хавфсизликнинг халқаро-ҳуқуқий асосларини ўрганиш мақсадида кенг миқёсдаги тадқиқотлар олиб борилди. Зеро, Собиқ Совет Иттифоқи даврида ҳам бу муаммо фақат 80-йиллардан бошлаб ўрганила бошланган эди. Собиқ Иттифоқ тугатилиб, мустақил давлатлар пайдо бўлиши билан мазкур масаланинг ижтимоий, сиёсий ва экологик жиҳати ҳам ўзгарди. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, мамлакатимизга ушбу масалага алоҳида эътибор берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов мамлакат хавфсизлигига таҳдид солаётган еттита муаммодан бири экология муаммоси эканлигини таъкидлаб ўтган эди⁶³. Чунки бу омил бевосита атроф табиий муҳитнинг ифлосланишига ва экологик тизимларнинг бузилишига таъсир этган ҳолда, билвосита ҳар бир давлатнинг куч-қудратини белгиловчи фуқароларнинг саломатлик даражасига, хомашёга боғлиқ бўлган ишлаб

⁶³ Қаранг: *Каримов И. А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т., 1998.

чиқариш имкониятларига, экспорт салоҳиятини кўтарувчи экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришга салбий таъсир қилади. Шу сабабли ҳам экологиянинг бузилиши, билвосита таъсири кўзга яққол ташланиб турмаган бўлса-да, хавфсизликка яширин таҳдид солувчи омил бўлиб ҳисобланади.

Таъкидлаш ўринлики, табиатни асрашга тааллуқли дастлабки халқаро шартномалар XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида вужудга келган. Улар асосан ҳайвонот дунёсининг айрим турларини химоя қилиш ва овлашни тартибга солишга қаратилган эди (масалан, 1897 йилги денгиз мушукларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги битим)⁶⁴. Кейинги ўн йилликларда сайёрамиз табиатини муҳофаза қилиш масаласини халқаро ҳуқуқ нормалари билан тартибга солишда жиддий сифат ўзгаришлари юз берди, давлатнинг бу соҳада олиб бораётган ишлари жадаллашди. Атроф табиий муҳит муаммоларига бунчалик катта эътибор берилиши тасодифий ҳол бўлмай, фан-техника ва жамият ишлаб чиқариш кучларининг жадал ривожланиши инсон хўжалик фаолиятининг табиатга таъсирини кескин кучайтиришни тақозо этади, табиий жараёнларга унинг аралашуви анча кенгайди. Табиат бойликларидан хўжасизларча фойдаланиш сайёрамиз биосферасини жиддий экологик инқироз ёқасига олиб бориб қўйди. Шунинг учун ҳам атроф табиий муҳитни халқаро миқёсда муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолди.

Табиийки, бу вазифани айрим давлатларнинг куч-ғайратлари билан ҳал қилиш мумкин эмас. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг миллий тадбирлари универсал ва минтақавий даражалардаги кенг халқаро ҳамкорлик билан уйғунлашиши керак. Халқаро ҳуқуқ бундай ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришда, давлатнинг табиатни кўриқлаш соҳасидаги фаолиятини тартибга солишда етакчи ўрин тутди⁶⁵.

⁶⁴ Қаранг: Международное право. – М., 1997. -Б. 46; *Адилқариев Х.Т., Очилов Б.Э.* Международное право охраны окружающей среды. – Т., 2002; ва бошқ.

⁶⁵ Қаранг: Защита окружающей среды в международном гуманитарном праве. –

Атроф табиий муҳитни халқаро ҳуқуқ нормалари билан муҳофаза қилиш жараёни халқаро ҳуқуқнинг нисбатан янги, аммо ниҳоятда тез ривожланиб бораётган қисмидир. Ҳозирги вақтда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланишнинг хилма-хил жиҳатларини тартибга солувчи турли-туман халқаро шартномалар мавжуд⁶⁶. Бу битимларнинг мавзулари қуйидагилардан иборатдир:

1) денгиз ва кўл сувларининг ифлосланишига йўл қўймаслик, денгизларнинг жонли бойликларини сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш;

2) халқаро (кўп давлатларга тегишли) дарёларнинг суви ва бойликларини муҳофаза қилиш;

3) ер атмосфераси ва яқин космик фазони ифлосланиш ва бошқа салбий таъсирлардан асраш;

4) қуруқликни жонли ва космик ифлосланишдан муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш;

5) ноёб табиий объектлар ва комплексларни, айрим экологик тизимларни муҳофаза қилиш;

б) ер таркибини радиоактив заҳарланишдан ҳимоя қилиш⁶⁷.

Атроф табиий муҳитнинг халқаро ҳуқуқий муҳофазаси халқаро ҳуқуқнинг юксак ривожланиш жараёни доирасида шаклланмоқда. Шунинг учун ҳам давлатнинг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини халқаро ҳуқуқ билан тартибга солиш, табиат муҳофазасига оид муҳим қоидаларни ифодаловчи, сайёрамиз муҳитини соғломлаштиришга тўғридан-тўғри ёки бевосита хизмат қилувчи кўпгина универсал халқаро шартномалар таъсирида таркиб топди.

М., 1995. – С. 125.

⁶⁶ Қаранг: Международное право / Под. ред. Ю. М. Колосова, В. И. Кузнецова. – М., 1995. – С. 76; Умаррахунов И. М. Республика Узбекистан и международное право. – Т., 1998.

⁶⁷ Қаранг: Балошенко С. А. Международно-правовые принципы охраны окружающей среды и права человека // Белорусский журнал международного права. – 1998. – № 3. – С. 46.

Давлатнинг, биринчи навбатда, ривожланган мамлакатларнинг ядро қуролларини, оммавий қирғин қуролларининг бошқа турларини батамом тақиқлашга, халқаро кескинликни юмшатиш ва тинчликни барқарор қилишга қаратилган ташаббуслари атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишда алоҳида аҳамият касб этади. Шу нарса яхши маълумки, қуролланиш пойгаси, ядро қуролининг синовлари, оммавий қирғин қуролларининг янги турларини, масалан, кимёвий, биологик ҳамда нейтрон қуролининг ишлаб чиқарилиши атроф табиий муҳитни булғашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Атроф табиий муҳитни халқаро ҳуқуқ воситалари билан муҳофаза қилишда, халқаро шартнома билан бир қаторда, халқаро одат ҳам муҳим ўрин эгаллайди (чунончи, атроф табиий муҳитнинг айрим жиддий таркибий қисмлари, масалан, бир неча давлат ҳудудидан ўтадиган дарёларни муҳофаза қилиш кўп жиҳатдан одат қоидалари билан тартибга солиб келинган).

Атроф табиий муҳитни халқаро ҳуқуқ воситалари билан муҳофаза қилиш жараёнини ривожлантиришда халқаро ташкилотлар, биринчи навбатда, БМТ ва унинг ихтисослашган ташкилотларининг қарорлари катта аҳамиятга эга. Инсонни қуршаб турган муҳит муаммолари бўйича БМТда 1972 йилда ўтказилган Стокгольм, 1992 йилги Рио де-Жанейро конференциялари, 2002 йилда Жанубий Африка Республикасининг Йоханнесбург шаҳрида ўтказилган «Ер саммит»ларида атроф табиий муҳит тўғрисидаги декларациялар қабул қилиниб, уларда атроф табиий муҳитни халқаро миқёсда муҳофаза қилишнинг асосий қоидалари ва принциплари кўрсатиб берилди.

Табиийки, халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари давлатнинг атроф табиий муҳит ва унинг бойликларини сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлигига нисбатан ҳам қўлланилади.

Халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларидан бири бўлган атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш принципи аста-секин шаклланиб бормоқда. Унга биноан давлатлар атроф муҳитни муҳофаза қилишлари ҳамда инсониятнинг

ҳозирги ва келгуси авлодларининг фаровонлигини кўзлаб, тадбирларни ҳамкорликда амалга оширишлари лозим.

Давлатлар атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш масалаларида бир-бирлари билан ҳамкорлик қилишга мажбурдирлар. Бундай ҳамкорлик тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли асосдаги шартномаларга мувофиқ амалга оширилади⁶⁸.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги асосий принциплардан бири табиий бойликлар устидан суверенитет принциpidир. Бу принцип БМТ Бош Ассамблеясининг бир қатор қарорларида, масалан, «Табиий бойлик манбалари устидан ажралмас суверенитет тўғрисида»ги қарорида ифодаланган эди. Мазкур принцип ҳар бир давлат ўз бойликларини атроф табиий муҳит соҳасидаги ўз сиёсатига мувофиқ эркин тасарруф этиш бўйича суверен ҳуқуққа эга эканлигини билдиради, бошқа давлатларга эса бу ҳуқуқни ҳурмат қилиш мажбуриятини юклайди.

Давлатлар, ўз юрисдикциясидан ташқари, атроф табиий муҳитга зарар етказмаслик принциpigа ҳам амал қиладилар. Халқаро ҳуқуқнинг одатдаги нормаси сифатида шаклланган бу принцип амалда кенг тарқалган. У Стокгольм Декларациясида куйидаги кўринишда таърифланган эди: «БМТ Низоми ва халқаро ҳуқуқ принципларига мувофиқ давлатлар уларнинг юрисдикцияси ёки назорати доирасидаги фаолият миллий юрисдикция чегараларидан ташқари атроф табиий муҳитга зарар етказмаслиги учун жавобгардирлар». Бу принцип давлатларнинг халқаро ҳуқуқ томонидан тақиқланган хатти-ҳаракатларига ҳам жорий этилади.

Бундан ташқари, юридик адабиётда кўрсатилишича, ҳозирги пайтда куйидаги махсус принциплар ҳам шаклланиб келмоқда:

⁶⁸ Қаранг: Саидов А. Х. Халқаро ҳуқуқ. – Т., 2001. – Б. 221–225; Маматқулов А. Халқаро ҳуқуқ. – Т., 1998. – Б. 236; Серсенбаев И. А. Международное право. – Алматы, 1996. – С. 136–158; Холмўминов Ж. Т. Экология ҳуқуқи. – Т., 2000.; Адилқориев Х. Т., Очилов Б. Э. Международное право охраны окружающей среды. – Т., 2002.

– экологик баҳо бериш принципи. У давлатларга уларнинг юрисдикциясидан ташқари атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган фаолиятнинг оқибатларини олдиндан экологик баҳолаш мажбуриятини юклайди;

– ахборот айирбошлаш принципи. Бу принцип фаолияти атроф табиий муҳитга ва бошқа давлатларнинг манфаатларига жиддий зарар етказиши мумкин бўлган давлат зиммасига бошқа давлатларга тегишли ахборотни бериш мажбуриятини юклайди;

– ўзаро кўмаклашув принципи. У манфаатдор давлатларнинг атроф табиий муҳит учун бевосита хавфли бўлган фаолияти юзасидан бир-бирлари билан ўзаро боғланиб туриш мажбуриятини юклайди⁶⁹.

Бундан ташқари, Стокгольм Декларацияси инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири сифатида қулай атроф табиий муҳитда яшаш ҳуқуқини эълон қилади⁷⁰. Айни пайтда ҳозирги ва келгуси авлодлар манфаатларини кўзлаб атроф табиий муҳитни ҳимоя қилишни яхшилаш инсоннинг бурчи ҳисобланади. Декларация давлатларни ядро қуроли ва бошқа оммавий қирғин қуролларининг бошқа турларини тақиқлаш ва батамом йўқ қилишга даъват этди.

Ернинг бутун сайёра муҳити, биринчи навбатда, инсониятнинг ҳаёт кечиришига бевосита боғлиқ бўлган асосий қоидалари атроф табиий муҳитни халқаро ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг ягона объекти ҳисобланади. Жаҳон уммони ва унинг табиий бойликлари, атмосфера ҳавоси, Ер атрофи фазоси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг вакиллари, шунингдек чучук сув бойликларининг бир қисми, ернинг генетик фонди ва бошқалар ҳам мана шу объектлар таркибига киради.

Халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан, барча жаҳон табиий бойликлари икки туркумга – миллий ва халқаро бойликларга бўлинади.

⁶⁹ Қаранг: Ўзбекистон. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. – Т., 1999.

⁷⁰ Қаранг: *Реймерс Н. Ф.* Надежды на выживание человечества: Концептуальная экология. – М., 1992. – С. 67.

Миллий табиий бойликлар (объектлар) муайян давлатларнинг юрисдикциясида бўлади. Уларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда давлатнинг ички ҳуқуқий нормалари муҳим ўрин тутди. Эндиликда бу бойликларни муҳофаза қилишга тааллуқли халқаро шартномалар кўпайиб бормоқда.

Халқаро табиий бойликлар (объектлар) муайян бир давлат юрисдикциясидан ташқарида бўлади (ёки табиий даври жараёнида турли давлатлар ҳудудида бўлади). Шунга боғлиқ ҳолда уларни, одатда, универсал, яъни барча давлатлар ўртасида фойдаланиладиган (очик денгиз, космос, Антрактида), миллий юрисдикция доирасидан ташқарида бўлган (денгиз туби) ва кўп миллатли, икки ёки ундан ортиқ давлатлар фойдаланиладиган объектлардан (масалан, бир қанча давлатлар ҳудудидан ўтайдиган дарёларнинг сув ресурслари, кўчиб юрадиган ҳайвонларнинг турлари, чегара табиий йиғиндиси кабилардан) иборатдир. Халқаро табиий бойликларни муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати халқаро ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади.

Дарёларнинг суви ва жонли ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг у ёки бу жиҳатларини тартибга солувчи халқаро битимлар мавжуд⁷¹ (масалан, Дунай дарёси сувидан фойдаланиш шартномаси). Шу боис Дунай, Рейн, Нигер ва бир қатор бошқа дарёлар сингари катта халқаро дарёларни ифлосланишдан сақлаш зудлик билан чора кўришни тақозо этади⁷².

Атмосфера ҳавоси давлат чегараларини билмайдиган табиий муҳит элементиدير. Атмосферага бир давлат ҳудудидан ўтайдиган ифлослантирувчи манбалар кўпинча жуда олис масофаларга етиб бориб, бошқа давлатларнинг табиати, аҳолисининг соғлиғи ва экологик муҳитига зарар етказди. Жумладан, кислотали ёмғирларнинг келиб чиқиши, ана шундай оқибатларга

⁷¹ Қаранг: *Сарсенбаев И. А.* Международное право. – Алматы. 1996. – С. 136–158.

⁷² Қаранг: *Международное право/ Под ред. Ю.М.Колосова, В.И.Кузнецова.* – М., 1995. – С. 606.

сабаб бўлган. Масалан, Фарбий Европанинг йирик саноат корхоналари ҳавога чиқариб юборувчи олтингугуртга бой аралашмалар ёмғир билан бирга олтингугурт кислотаси тариқасида Скандинавия яримороли мамлакатларининг ҳудудига ёғилган. Кислотали ёмғир табиий муҳит ва инсониятга катта зарар етказган, сув ҳавзаларини ифлослантириб, тупроқ таркибини бузиб, архитектура иншоотларининг бузилишига олиб келган.

Ана шундай нохуш ҳолатларнинг олдини олишда ривожланган давлатларнинг таклифи билан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик бўйича чақирилган Умумевропа Кенгаши Ҳавонинг олис масофаларгача ифлосланишига йўл қўймаслик тўғрисидаги Конвенцияни қабул қилиш билан яқунланди (аммо Конвенция ҳамон кучга киргани йўқ). Конвенция иштирокчилари бўлган мамлакатлар ҳавонинг ифлосланишини имкони борича камайтириш, ахборот алмашиш, маслаҳатлашувлар ўтказиш, илмий тадқиқотлар ва мониторинг назорат олиб бориш мажбуриятини зиммаларига олдилар.

Фан ва техника тараққиёти натижасида кейинги йилларда кенг йўл очилган табиат ва иқлимга сунъий таъсир ўтказиш устидан назорат ўрнатиш ғоят қийин бўлиб, бу Ер атмосферасига катта хавф солмоқда.

Худди шунингдек, бўрон ва тўфонларнинг йўналиши ўзгариши мумкин. Табиат ва иқлимга таъсир кўрсатиш инсонга буюк фаровонлик ёки жуда катта зарар келтириши ҳам мумкин. Келгусида чиндан ҳам уруш олиб боришнинг «апокалиптик» усуллари пайдо бўлиши, бу эса ердаги ҳаётнинг, Қуёш ультрабинафша нурларининг ғоят хатарли таъсиридан сақловчи озон қатламини бузиб юбориши, катта ҳудудларда сунъий равишда сув босиши ёки қурғоқчилик ҳосил қилиши мумкин. Бундай жиддий хавфни ҳис этган ривожланган давлатлар ташаббуси билан 1977 йилда Атроф табиий муҳитга таъсир кўрсатиш воситаларидан ҳарбий ёки ҳар қандай бошқа душманлик мақсадларида фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги конвенциянинг қабул

килинишига олиб келди⁷³. Унда қатнашувчи давлатлар бошқа иштирокчи давлатларга вайронгарчилик, зарар етказиш ёки душманлик мақсадларида салбий оқибатларга олиб келувчи атроф табиий муҳитга таъсир кўрсатиш воситаларидан фойдаланишга интизмасликка аҳдлашдилар. Табиий муҳитни ўзгартириш воситалари деганда, табиий жараёнларни олдиндан бир мақсадни кўзлаб бошқариш йўли билан ўзгартириш, ер тизими, унинг литосфераси, гидросфераси ва атмосфераси ёки космик фазони қўшиб, барча табиий жараёнларга таъсир кўрсатиш воситалари тушунилади. Шу билан бирга, Конвенция табиий муҳитга тинчлик мақсадларида таъсир кўрсатиш воситаларидан фойдаланишга монелик қилмайди.

Космик фазони ўзлаштиришнинг тезлашуви, Ой ва бошқа самовий жисмларнинг тадқиқ этилиши шунга олиб келдики, космик муҳитни бундай фаолиятнинг зарарли оқибатларидан муҳофаза қилиш зарурати туғилди. Коинотда ишлаб бўлган сунъий йўлдошлар ва уларнинг қисмлари, ракеталар ва бошқа космик аппаратларнинг қисмлари ҳамда космик ахлатлар мутассил кўпайиб бормоқда. Ҳозирги пайтда уларнинг жами миқдори 10 минг донадан ошиб кетди⁷⁴. Космик муҳитнинг ифлосланиши Американинг «Вест Форд» лойиҳасига ўшаш турли тажрибалар натижасида келиб чиқиши ҳам мумкин. Бу лойиҳанинг мақсади ўта олис алоқа соҳасида тадқиқотлар учун Ер атрофи орбитасида мис игналар (диполлар) камарини барпо этишдан иборат эди. Космик муҳит ядро қуролини синаш жараёнида ёки ядровий энергия манбалари бўлган космик аппаратлардан фойдаланиш чоғида радиоактив моддалар билан зарарланиши ҳам мумкин.

Космоснинг радиоактив моддалар билан зарарланиши ҳамда уни ядровий синов майдонига айлантиришга тўсиқ бўлиб хизмат қилаётган хужжат 1963 йилги Москва шартномасидир. Бу шартнома билан космик

⁷³ Қаранг: *Международное право* / Под. ред. Ю. М. Колосова, В. И. Кузнецова. – М., 1995. – С. 456.

⁷⁴ Қаранг: *Маматқулов А. Халқаро ҳуқуқ*. – Т., 1998. – Б. 23.

фазода ядровий қуролни синаш тақиқланди. 1967 йилги Космос тўғрисидаги шартномада, 1979 йилги давлатларнинг Ой ва бошқа самовий жисмлардаги фаолияти тўғрисидаги битимда муҳим муҳофаза қоидалари ифодаланди. Жумладан, 1967 йилги шартноманинг IX моддасида, Ой тўғрисидаги битимнинг IV моддасида давлатларга космик фазони Ой ва бошқа самовий жисмларни ифлослантириш, шунингдек ердан ташқаридаги моддаларни етказиб келиш оқибатида Ердаги муҳитни номақбул тарзда ўзгартиришдан сақланиш ва бунинг учун тегишли чоралар кўриш мажбуриятини юкловчи қоидалар белгиланди. Космос тўғрисидаги шартнома Ой ва бошқа самовий жисмларга ядро қуролини жойлаштириш ёки бу қуролни Ер атрофи орбитасига чиқаришни тақиқлаш ҳам космик муҳитни ифлосланиш ва захарланишдан сақлаш учун катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги пайтда атроф табиий муҳитнинг хилма-хил муаммоли жиҳатлари билан шуғулланувчи кўпчилик халқаро (давлатлараро ва нодавлат) ташкилотлар мавжуд.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг табиатни кўриқлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришда етакчи ўрин тутади. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари БМТнинг асосий органлари: Бош Ассамблея, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш, шунингдек минтақавий иқтисодий комиссиялар, ЮНКТАД, ЭКОСОС, ИМО, ФАО, ЮНИДО, БМТ тараққиёт дастури (ПРООН)нинг⁷⁵ доимий диққат марказида туради, 1972 йилда Стокгольмда БМТнинг инсонни қуршаб турган муҳит муаммолари бўйича конференцияси ўтказилганлиги катта аҳамиятга эга бўлди. Унинг қарорлари ва резолюциясига биноан, БМТ доирасида янги махсус орган—БМТнинг атроф табиий муҳит дастури (ЮНЕП, ВСОП, ВФОДЖ, МИОС, МЕРУ) ташкил

⁷⁵ Фақат БМТ тизимида 16 та махсус комиссия ва халқаро ташкилотлар мавжуд. Қаранг: *Файзиев М., Холмунинов Ж.* Правовое обеспечение экологии в Узбекистане (Международно-правовой аспект) // Давлат ва ҳуқуқ. – 2001. – № 1–2. – Б. 55–57.

этилди. ЮНЕП, ўзининг юридик мавқеига кўра, БМТнинг ёрдамчи органлари қаторига киради.

Айни пайтда мазкур дастур ғоят катта мустақилликдан фойдаланади ва халқаро ташкилотларнинг бир қатор белгиларига эга.

ЮНЕП атропо муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ нормаларини ривожлантиришга кўп эътибор бермоқда. Дастур универсал ва минтақавий конвенциялар ҳамда битимларни ишлаб чиқишга кўмаклашмоқда. Унинг ташаббуси билан минтақавий денгизлар – Ўрта денгиз, Қизил денгиз, шунингдек Форс қўлтиғи ва бошқа сув ҳавзаларида денгиз муҳитини муҳофаза қилишга қаратилган дастур амалга оширила бошланди. Бу эса тегишли халқаро битимларнинг ишлаб чиқилишини назарда тутди. ЮНЕП БМТнинг ЮНЕСКО, ХСТ, ИМКО, ХМТ, БДТ, ИКАО, МАГАТЭ сингари ихтисослашган ташкилотларининг табиатни кўриқлашга қаратилган тадбирларини молиявий жиҳатдан қўллаб қувватлайди ва мувофиқлаштиради⁷⁶.

Нодавлат ташкилотлари орасида 1948 йилда ташкил этилган Табиат ва табиий бойликларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи (МСОП) марказий ўрин эгаллайди. Унга давлатлар, миллий ва халқаро ташкилотлар ҳамда уюшмалар аъзо бўлишлари мумкин. Иттифоқ ҳукуматлар, миллий ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликка кўмаклашиш учун тузилган. Шунингдек, у атропо табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий бойликларни сақлаш масалалари билан шуғулланувчи айрим шахслар ўртасидаги ҳамкорликка ҳам кўмаклашади. Шу мақсадда МСОП миллий ва халқаро тадбирлар ўтказади.

МСОП табиатни муҳофаза қилиш бўйича халқаро конвенциялар ва битимлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор беради. Хусусан, унинг фаол иштирокида 1976 йилда Тинч океанининг жанубий қисмида табиатни

⁷⁶ Қаранг: *Шадиметов Ю. Ш.* «Экосан»: 10 лет на пути к устойчивому экоразвитию. – Т., 2002. – С. 11.

муҳофаза қилиш конвенцияси⁷⁷, 1970 йилда Йўқ бўлиб кетиш хавфи остида қолган ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги конвенция қабул қилинди. Ҳозирги пайтда МСОП доирасида айрим оролларни илмий мақсадлар учун сақлаш тўғрисидаги конвенция лойиҳаси тайёрланмоқда. XX асрнинг 70–80-йилларига келиб Европа, Америка ва Осиёнинг ривожланган мамлакатлари иқтисодий барқарорлик экологик хавфсизлик даражасига бевосита боғлиқ эканлигини тушуниб етдилар⁷⁸. Лекин, юқорида айтиб ўтганимиздек, экологик хавфсизликни алоҳида бир ҳудуд ёки мамлакатда амалга ошириб бўлмаслигига тўлиқ ишонч ҳосил қилгач, экология борасида халқаро ҳамжамиятлар тузиш (ЮНЕП, 1972 йил Найроби ш.) йирик анжуманлар (Стокгольм, 1972; Хельсинки, 1975; Рио-де-Жанейро, 1992; Йоханнесбург, 2002) чақириш ва халқаро жамғармалар тузиш (Орол ва Байкални қутқариш, саҳроланишга қарши курашиш, «Экосан») орқали глобал таъсир этувчи экологик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш учун маблағлар ажратила бошланди. Улар сиёсатни ҳам, иқтисодиётни ҳам табиий бойлик ва экологик хавфсизлик (бу ўринда атом энергиясидан фойдаланиш, кимёвий ва бактериологик қуроолларни сақлаш ва уларнинг утилизацияси) кўрсаткичларини белгилаб қўйдилар.

Бу ўринда, албатта, экологик ҳуқуқий нормалар ўз афзаллигини кўрсатмоқда. Масалан, Орол денгизи сувининг қуриган юзасидан (дельтасидан) кўтарилган тузнинг Тянь-Шань тоғ тизмаларидаги қорларнинг сув режимига, ўсимлик дунёси ва ўрмонларнинг туз мувозанатига, Марказий Осиё тупроқ қатламининг шўрланганлик даражасига таъсири кучаймоқда. Атмосфера қатламида сувда тез эрувчан хлоридли ва магнитли зарарли тузлар миқдорининг ортиб бориши кузатилмоқда.

⁷⁷ Қаранг: *Умарахунов И. М.* Республика Узбекистан и международное договорное право. – Б. 315.

⁷⁸ Қаранг: *Робинсон Н.* Правовое регулирование природопользования и охраны окружающей среды в США. – М., 1990.

Айтиш керакки, табиатни асраш соҳасида республикамиз бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилган, улар ичида 1992 йилги «Биологик хилма-хиллик тўғрисида»ги Рио-де-Жанейро Конвенцияси, 1972 йилги «Дунёнинг маданий ва табиий меросини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конвенция, 1995 йил 6 июндаги «Осиё ва Африка ботқоқликларида яшовчи ва кўчиб юривчи қушларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги шартнома, 1973 йил 3 мартдаги «Йўқолиш арафасидаги ёввойи флора ва фауна турлари билан халқаро савдо-сотик қилиш тўғрисида»ги конвенция, 1992 йил 28 ноябрдаги Атроф муҳитга нисбатан ҳарбий ёки бошқа зарар етказувчи воситалар ишлатилишининг олдини олишга доир конвенция, 1992 йил 9 майдаги «Иқлим ўзгариши тўғрисида»ги Доиравий конвенция, 1985 йил 22 мартдаги «Озон қатламини сақлаш тўғрисида»ги конвенция, «Озон қатламини бузувчи моддалар тўғрисида»ги Монреал конвенцияси, ЕХҲТнинг 1994 йил 17 декабрдаги «Энергетик хартияси», 1994 йил 15 апрелдаги «Саҳролар миқдорининг ортиши ва қурғоқчиликка қарши» конвенцияси ва бошқалардир⁷⁹.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича давлат функциясини ривожлантиришда халқаро ташкилотлар ҳамда ушбу ташкилотлар қабул қилган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим ўрин тутди. Қабул қилинган норматив ҳужжатлардаги талаблар, қоидалар давлатларни экология соҳасида маълум вазифаларни бажаришга ундайди ва бунга ёрдам беради.

⁷⁹ Қаранг: *Умарахунов И. М.* Республика Узбекистан и международное договорное право. – Б. 315.

Хулоса

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишда давлатнинг роли, унинг экологик функцияси ва бошқарув фаолияти алоҳида аҳамиятга эга. Давлатнинг экологик функцияси атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича муносабатлар доирасида рўй бериши мумкин бўлган ҳар хил ғайриқонуний ҳаракатларни бартараф этиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш ёки шундай нохуш ҳолатлар содир этилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. РАҲБАРИЙ АДАБИЁТ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003.- 40 б.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
3. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
4. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
5. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 394 б.
6. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
7. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
8. Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 413 б.
9. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 525 б.
10. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 439 б.
11. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
12. Каримов И. А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.

13. Каримов И. А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. Т. 12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
14. Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
15. Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 96 б.
16. Каримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари-
энг олий қадрият. // Халқ сўзи, 2005 йил 10 декабр.

II. НОРМАТИВ МАНБАЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: Адолат, 2004. –
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Т.: Адолат, 2004.
–
3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. – Т.: Адолат, 2005. –
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, . –
5. «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»
Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. – № 1. – 12-модда.
6. «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш
тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни // Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. – № 1. – 14-
модда.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги 2001 йил 29
август қонуни (янги таҳрир) // Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлисининг ахборотномаси. – 2001. – № 9–10. – 168-м.

8. Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1999. – № 1. – 20-модда.
9. «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда Вазиятлар Вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони // Халқ сўзи. – 1994. – 6 март.
- 10.«Судлар тўғрисида»ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси қонуни // Суд ҳокимияти: ислохотлар даври. – Т.: Адолат, 2002. – Б. 103–138.
- 11.«Ўрмон тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1999. – № 5. – 122-модда.
- 12.«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – № 2. – 30-модда.
- 13.Ўзбекистон Республикаси «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – № 4–5. – 120-модда.
- 14.Ўзбекистон Республикаси «Геодезия ва картография тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – № 4–5. – 2-модда.
- 15.Ўзбекистон Республикаси «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – № 4–5. – 240-модда.
- 16.Ўзбекистон Республикаси «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. – № 9. – 165-модда.
- 17.Ўзбекистон Республикаси «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2001. – № 1–2. – 18-модда.

18. Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1996. – № 5–6. – 70-модда.
19. Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2000. – № 5–6. – 29-модда.
20. Ўзбекистон Республикаси «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. – № 5–6. – 88-модда.
21. Ўзбекистон Республикаси «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1999. – № 5. – 124-модда.
22. Ўзбекистон Республикаси «Концессиялар тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1995. – № 9. – 185-модда.
23. Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1999. – № 5. – 124-модда. – Б. 130.
24. Ўзбекистон Республикаси «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. – № 5–6. – 86-модда.
25. Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1999. – № 5. – 110-модда.
26. Ўзбекистон Республикаси «Қишлоқ хўжалиги кооперативи(ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. – № 5–6. – 84-модда.
27. Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъекти фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1999. – № 1. – 8-модда.

28. Ўзбекистон Республикаси «Экологик экспертиза тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2000. – № 5–6. – 26-модда.
29. Ўзбекистон Республикаси «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2000. – № 7–8. – 28-модда.
30. Ўзбекистон Республикаси «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2000. – № 7–8. – 28-модда.
31. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2002. – № 24.
32. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2002. – № 24.

III. ИЛМИЙ АДАБИЁТ

Монографиялар, илмий мақолалар тўпламлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, луғатлар, диссертацияларнинг авторефератлари

1. Одилқориев Х. Т., Очилов Б. Э. Международная охраны окружающей среды. – Т.: УМЭД, 2002. – 611 с.
2. Азаров Г. И. Правовая охрана окружающей среды и природоохранительная деятельность органов внутренних дел. – М.: ОВД, 1992. – 214 с.
3. Азаров Г. И. Природоохранительная деятельность органов внутренних дел. – М.: Юристь, 1992. – 317 с.

4. Аракелян М.А. Сурилова Е. А. О соотношения содержания и форма природоохранительной функции советского государства. – Киев: Наукова думка, 1981. – 159 с.
5. Байделдинов Д. Л. Правовой механизм государственного управления в области экологии. – Алматы: Наука, 1998. – 317 с.
6. Байсалов С. Б., Ильященко Л. В. 200 вопросов и ответов по охране природы. – Алма-Ата: «Кайнар», 1987. – 269 с.
7. Банников А. Г. Основы экологии и охрана окружающей среды. – М.: Колос, 1996. – 365 с.
8. Балашенко С. А. Государственное управление в области охраны окружающей среды // Государство и право. – 2001. – № 7. – С. 106–137.
9. Безбородов А. Г. Совершенствование экологического законодательства. – Т.: Мехнат, 1999. – 75 с.
10. Бринчук М. М. Экологическое право (Право окружающей среды): Учебник. – М.: Юристъ, 1998. – 313 с.
11. Винокуров А. Ю., Виноградов В. П. Прокурорский надзор за исполнением законодательства об охране окружающей среды. – М.: Юристъ, 1996. – 398 с.
12. Гаибов Ф. Х. Теоретические проблемы организации правовой охраны природных ресурсов в современных условиях. – Уфа: Б. И., 2002. – 422 с.
13. Горельцев С. В. Государственное управление в сфере экологии (гл. VII) // Экологическое право: Учебник. – М., 1997. – С. 180–186.
14. Гориславский Н. К. Природоохранительные функции советской милиции // Окружающая среда под охраной закона. – М., 1982. – С. 85–92.
15. Голиченков А. К. Экологический контроль: теория, практика правового регулирования. – М.: МГУ, 1992. – 73 с.
16. Гришен Н. Н. Правовые проблемы воздействия общественности на охрану окружающей среды. – М.: Колос, 2002. – 674 с.

17. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масъул муҳаррирлар Ҳ. Б. Бобоев, Ҳ. Т. Одилқориев. – Т.: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 2000. – 528б.
18. Ерофеев Б. В. Экологическое право: Учебник. – М.: Юрист, 1998. – 298 с.
19. Защита окружающей среды в международном гуманитарном праве. – М.: МККК, 1995. – 125 с.
20. Зиёмухамедов Б. Ижтимоий экология // Ўзбекистон экологик хабарномаси. – 1998. – № –Б. 13–20.
21. Игнатева И. А. Экологическое законодательство России и проблемы его развития. – М.: Прогресс, 2001. – 263 с.
22. Исламов З. М. Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар (Давлат назарияси). – Т.: Адолат, 2000. – 267 б.
23. Исламов З. М. Общество. Государство. Право (Вопросы теории). – Т.: Адолат, 2001. – 696 с.
24. Ковалева Н. Т. Экологический аудит в процессе охраны природы. – Киев: Ун-т, 1998. – 45 с.
25. Кичатов О. А. Природоохранительная функция советского государства. – Л.: ЛГУ, 1979. – 133 с.
26. Маматқулов А. Халқаро ҳуқуқ. – Т.: Адолат, 1998. – 236 б.
27. Международное право: Учебник / Под. ред. Ю. М. Колосова, В. И. Кузнецова. – М.: Белые альвы, 1995. – 619 с.
28. Мирзаев Т.Р. Экологияга доир қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг турлари, усуллари ва назоратни ташкил этиш. – Т.: Янги аср авлоди, 2000. – 64 б.
29. Мухитдинов Н.Б., Тукиев А.Ж. Право собственности на воды Республики Казахстан. в период перехода к рынку. – Алматы. 1995. – 107 с.
30. Мухитдинов Н. Б. Основы горного права. – Алма-Ата, 1983. – С. 162
31. Национальный доклад «О состоянии окружающей природной среды и использования природных ресурсов в Республики Узбекистан». – Т.: Chino ENK, 1998. – 213 с.

32. Нигматов А. Н. Тадбиркорликнинг экологик-ҳуқуқий асослари. – Т.: Адолат, 2001. – 20 б.
33. Нигматов А. Н. Экология ҳуқуқи (схема ва тушунчалар). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ДБҚ Божхона коллежи, 1999. – 147 б.
34. Новиков А. В. Государственные органы управления в области охраны природы и их задачи // Основы Экологического права и проблемы экологии. – СПб., 2001. – С. 9–12.
35. Николаев А. В. Основы экологического права и проблема экологии: Учеб. пособие. – СПб.: Знание, ИВЭСЕП, 2001. – 74 с.
36. Проблемы общей теории права и государства: Учебник для вузов / Под общ. ред. проф. В. С. Нерсесянца. – М.: Юристъ, 1999. – 832 с.
37. Петров В. В. Экологическое право России. – М.: Бек, 1996. – 678 с.
38. Реймерс Н. Ф. Надежды на выживание человечества: Концептуальная экология. – М.: Природа, 1992. – 164 с.
39. Реймерс Н. Ф. Экология: Теория, законы, правила, принципы и гипотеза. – М.: Природа, 1994. – 146 с.
40. Робинсон Н. Правовое регулирование природопользования и охраны окружающей среды в США. – М., 1990.
41. Саидов А. Х. Халқаро ҳуқуқ. – Т.: Адолат, 2001. – 352 б.
42. Саидов А. Х., Тажиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. – Т.: ИИВ Академияси, 1999. – 720 б.
43. Саидов А. Х., Тажиханов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 2 томли. Т. 1. – Т.: Адолат, 2001. – 336 б.
44. Сарсенбаев И. А. Международное право. – Алматы, 1996. – 158 с.
45. Серов Г. П. Основы экологического страхования. – М.: МО, 1996. – 200 с.
46. Теория государства и права: Курс лекций / Под. ред. Н. И. Матузова, А. В. Малько. – М.: Юристъ, 1997. – 667 с.
47. Теория Государство и право / Под. ред. В. М. Корельского, В. Д. Перевалова. – М.: Инфра-М–Норма, 1997. – 287 с.

48. Умарахунов И. М. Республика Узбекистан и международное договорное право. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998. – 316 с.
49. Уразаев Ш.З. Модель закона: какой ей быть? -Т.:Фан, 1990, -47с.
50. Усмонов М.Б. Ер ва қонун. – Т.: Адолат, 1994. – 160 б.
51. Флора Узбекистана: Справочник. Т. 6. – Т.: Фан, 1995. – 236 с.
52. Файзиев Ш.Х. Ўзбекистон Республикасида экологик ҳавфсизликни таъминлашнинг конституциявий муаммолари // Мустақиллик ва дунёқараш: борлик ва ривожланиш имкониятларининг фалсафий муаммолари. Т. II. – Т., 1993. – Б. 249–251.
53. Халбаева А., Безбородов Г. А. Современные экологические приоритеты. – Т.: Мехнат, 1999. – 186 с.
54. Холмўминов Ж. Т. Экология ва қонун. – Т.: Адолат, 2000. – 412 б.
55. Холмўминов Ж. Т. Эколого-правовые проблемы использования и охраны орошаемых земель в Республике Узбекистан. – Т., 1996. – С. 41–52.
56. Шодиметов Ю. Ш. «ЭКОСАН»: 10 лет на пути к устойчивому экоразвитию. – Т.: Б. И., 2002. – 11 с.
57. Экология ва ҳаёт (Президент И. А. Каримов асарларида экология масалаларининг ёритилиши): Экологик таълим йўналишлари учун қўлланма / Тузувчилар: А. Н. Ниғматов, Р. Н. Султонов; Масъул муҳаррир М. Ҳ. Рустамбаев. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 128 б.
58. Экологическое право: Учебник / Под. ред.: В. Д. Ермакова, А. Я. Сухарева. – М.: Междун. право, 1997. – 480 с.
59. Экология ҳуқуқи /М.Усманов таҳрири остида.-Т.: Адабиёт жамғармаси, 2001. -328 б.
60. Юридик энциклопедия / Юридик фанлар д-ри, проф. У. Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т., 2001. – 309 б
61. Ўзбекистон. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза.-Т.:UNDP. 1999.-74б.
62. Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоби». – Т.: Чинор ЭНК, 1998 –336 б.

Илмий мақолалар

1. Абдуллаев Н. Атроф табиий муҳит ва масъулият // Ҳаёт ва қонун. – 2000. – № 2. – Б. 24–27.
2. Адилходжаева С. Правовая защита экологии в период становления рыночных отношений // Хозяйство и право. – 1996. – № 10–11. – С. 61–64.
3. Адилходжаева С. «Стратегия государства»– новая категория в теории государства и права // Давлат ва ҳуқуқ. – 2003. – № 1. – С. 8–12.
4. Алакпаров К. А., Безбородов Ю. Г., Безбородов А. Г. К проблеме совершенствования экологического законодательства // Обществ. науки в Узбекистане. – 1998. – № 10–11. – С. 10–19.
5. Алиханов Б., Самойлов С. Окружающая среда Центральной Азии (Проблемы и их решение). – 2001. – № 4. – С. 2–6.
6. Аюбов У. Т. Лишение, ограничение и приостановление прав связанных с природопользованием // Экологический вестник Узбекистана. – 1996. – № 3. – С. 26–28.
7. Аюбов У. Т. Ер муносабатларини тартибга солиш // Ҳаёт ва қонун. – 1999. – № 1. – Б. 46–52.
8. Адиханов Ф. Х. Соотношение норм гражданского права и норм земельных отношений в условиях рынка земли // Зангер. – 2001. – № 1. – С. 32–35.
9. *Балошенко С. А.* Международно-правовые принципы охраны окружающей среды и права человека // Белорусский журнал международного права. – 1998. – № 3.
10. Бринчук М. М. Охранять окружающую среду или обеспечивать экологическую безопасность? // Государство и право. – 1994. – № 8–9. – С. 118–127.
11. Бринчук М. М. О понятийном аппарате экологического права // Государство и право. – 1998. – № 9. – С. 20–28.

12. Бринчук М. М. О головном акте экологического законодательстве // Государство и право. – 2001. – № 11. – С. 64–75.
13. Горельцев С. В. Государственное управление в сфере экологии // Экологическое право. 1997. №1 – С. 180–186;
14. Васильева М. И. О юридических направлениях национальной экологической доктрины // Экологическое право. – 2002. – № 1. – С. 18–21.
15. Виноградов В. Экология – проблема номер один // Законность. – 1998. – № 1. – С. 23–25.
16. Жураев Ю. А. Юридические гарантии прав граждан на благоприятную окружающую среду // Хуқуқ–Право–Law. – 1998. – № 2. – Б. 10–11.
17. Жевлаков Э. Н. Уголовное законодательство об охране природы // Прокурорская и следственная практика. – 1999. – № 1–2. – С. 119–127.
18. Игнатьева И. А. Цели и задачи экологического законодательства // Государство и право. – 2002. – № 7. – С. 71–81.
19. Исмоилов М. И. Социальная экология в системе глобальных проблем современности // Обществ. науки в Узбекистане. – 1996. – № 11–12. – С. 41–48.
20. Каххаров А., Туйчиев С. Узбекистан: активный выбор стратегии экологии // Ўзбекистон экологик хабарномаси. – 2001. – № 1. – Б. 20–21.
21. Кашинская Л. Ф. Механизм и функции государства в условиях глобализации // Давлат ва хуқуқ. – 2003. – № 1. – С. 13–15.
22. Колбасов О. С. Терминологические блуждания в экологии // Государство и право. – 1999. – № 10. – С. 27–37.
23. Кобулов Ш. Экологик хуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик // Хўжалик ва хуқуқ. – 2001. – № 11–12. – Б. 43–47.
24. Левинский В. Правовая, экологическая, социальная и культурная основы экологической безопасности // Хўжалик ва хуқуқ. – 2000. – № 3. – Б. 72–78.

- 25.Маллаев Н. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари // Хўжалик ва ҳуқуқ. – 2001. – № 2. – Б. 29–31.
- 26.Мигель А. Оскардио де Альмейра. Миф о равновесии в природе // Курьер ЮНЕСКО. –1973. янв. -С.25—26..
- 27.Мирзаев Т.Р. Экологияга доир қонунлар ва прокурор назорати // Ҳаёт ва қонун. – 2000. – № 8. – Б. 79–82.
- 28.Мирзаев Т.Р.Экология ва прокурорлик назорати // Ҳаёт ва қонун. – 1999. – № 8. – С. 56–59.
- 29.Неклесса Г. Узбекистан: Экологическая функция государства // Давлат ва ҳуқуқ. – 2000. – № 2. – С. 30–32.
- 30.Нигматов А. Н. Экологик концепциялар // Ўзбекистон экологик хабарномаси. – 2000. – № 4–5. – Б. 10–12.
- 31.Нигматов А.Н., Мирзаев Т.Р. Экологик хавфсизлик ва уни ҳуқуқий бошқариш тизими // Ҳуқуқ–Право–Law. – 1999. – № 2. – Б. 76–79.
- 32.Новиков Р. Теоретические концепции экологического регулирования в странах Запада // Ўзбекистон экологик хабарномаси. – 2000. – № 4–5. – Б. 21–24.
- 33.Осипов В. И. Концептуальные основы экологической политики // Вестник АНССР. – 1991. – № 12. – С. 91–103.
- 34.Панкратов И. Ф. Понятия экологического законодательства // Проблемы совершенствования экологического законодательства, эффективность его реализации. – М., 1993. – С. 16.
- 35.Проблемы охраны окружающей среды в Содружестве Независимых Государств: Материалы международной научно-практической конференции // Государство и право. – 1995. – № 8. – С. 115–144.
- 36.Рахманов К. Табиат муҳофазасининг ҳуқуқий асослари // Ҳаёт ва қонун. – 2000. – № 10. – Б. 61–65.
- 37.Рўзиназаров Ш. Ердан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари // Қонун химоясида. – 1998. – № 12. – Б. 6–18.
- 38.Саноев Ф. Табиатга озор – ўзимизга зарар // Халқ сўзи. – 2003. – 12 апр.

- 39.Скрипников Н. К. Правовое регулирование природоохранной деятельности // Ўзбекистон экология хабарномаси. – 1995. – № 2–3. – Б. 23–25.
- 40.Сырых В. М., Панкратов И. Ф. Дисциплинарная и административная ответственность за экологические преступления // Журнал Российская права. – 1998. – № 7. – С. 91–96.
- 41.Усманов М. Б. О понятии и сущности земельной правовой ответственности // Обществ. науки в Узбекистане. – 1994. – № 1. – С. 17–19.
- 42.Усманов М. Б. Экологик жиноятларни баҳолаш // Ҳаёт ва қонун. – 2001. – № 2–3. – Б. 36–39.
- 43.Усманов М. Б. Экология қонунчилиги муаммолари // Ҳаёт ва қонун. – 2002. – № 2. – Б. 53–54.
- 44.Файзиев М., Холмуминов Ж. Правовое обеспечение экологии в Узбекистане (международно-правовой аспект) // Давлат ва ҳуқуқ. – 2001. – № 1–2. – Б. 55–57.
- 45.Файзиев Ш. Х. Экология ҳуқуқининг манбалари // Ҳаёт ва қонун. – 2001. – № 2–3. – Б. 34–35.
- 46.Файзиев Ш. Х. Атроф табиий муҳит муҳофазаси дастаклари. Республикада экологик хавфсизликни таъминлашнинг конституциявий муаммолари // Ҳаёт ва қонун. – 1998. – № 4. – Б. 38–40.
- 47.Файзиев Ш. Х. Ўзбекистон Республикаси парламенти: экологик функциянинг такомиллаштириш масалалари // Ўзбекистон Парламенти бугуни ва истиқболи: Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2002 –Б. 60.
- 48.Хабибуллаев А. Атроф табиий муҳит муҳофазасининг асосий йўналишлари // Ўзбекистон экологик хабарномаси. – 1998. – № 5–6. – Б. 2–4.
- 49.Хашимова Э. Инсон ва табиат муаммоси // Ўзбекистон экологик хабарномаси. – 2000. – № 6. – Б. 5–6.

50. Холмўминов Ж. Т. Жить и действовать по закону // Экологический вестник. – 1999. – № 3. – С. 28–29.
51. Холмўминов Ж. Т. Табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг конституциявий асослари // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2000. – № 1. – Б. 69–71.
52. Холмўминов Ж. Т. Тадбиркорлик ва экология // Ҳаёт ва қонун. – 2002. – № 2. – Б. 51–52.
53. Экологическая доктрина Российской Федерации // Российская газета. – 2002. – 18 сент.
- Диссертацияларнинг авторефератлари
1. Абдуллаева Г. З. Экологическая политика Республики Узбекистан в условиях поэтапной интеграции в мировое сообщество: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2001. – 21 с.
 2. Карпович Н. А. Реализация экологической функции государства в законодательной деятельности парламента Республики Беларусь: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Минск, 2000. – 17 с.
 3. Мухаммаджанов Б. А. Экологическая функция советского государства: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Алматы, 1990. – 21 с.
 4. Жураев Ю. А. Право и управление в области использования и охраны природной среды Республики Узбекистан: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 1996. – 50 с.
 5. Холмуминов Ж. Т. Эколого-правовые проблемы рационального использования и охраны орошаемых земель в Республике Узбекистан: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Алматы, 1997. – 45 с.

МУНДАРИЖА

Кириш

1. Давлатнинг экологик функцияси унинг мазмуни ва устувор йўналишлари.....
2. Давлатнинг экологик функциясини амалга ошириш шакллари (экологик мониторинг, экологик назорат, экологик экспертиза)
3. Қонун чиқарувчи ҳокимият органининг экологик функцияси.....
4. Ижро этувчи ҳокимият органларининг экологик функцияси
5. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларининг экологик функцияси.....
6. Давлат экологик функциясини ривожлантиришнинг халқаро ҳуқуқий асослари.....

ХУЛОСА.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

МАҲМУД НАЖИМОВ

ДАВЛАТНИНГ ЭКОЛОГИК ФУНКЦИЯСИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Мухаррир: Қ. Тохиров
Техник муҳаррир: М.Мирзалиев
Мусахҳих: Н.Мирзажонова
Компьютерда саҳифаловчи: Ф.Нурлибаев

Босишга рухсат этилди:
Ҳажми: 3,9 б.т. Адади: 500 Буюртма: №
ТДЮИ кичик босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ 35.